

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 339.13*

АМОНОВА НАЗОКАТ УТКУРОВНА

**Банкларнинг инвестицион кредитлаш
амалиётини такомиллаштириш йўллари**

**5A230603 – “Инвестицияларни бошқариш”
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар :
_____ М. Рахматов**

МУНДАРИЖА

	Кириш	3-7
I боб.	Банклар томонидан инвестицион жараёнларни кредитлашнинг назарий ва ҳуқуқий асослари	8-41
1.	Лойиҳаларни инвестицион кредитлашнинг мазмуни ва моҳияти	8-20
2.	Инвестиция жараёнларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари	20-31
3.	Ўзбекистон Республикасида инвестицион кредитлашни рағбатлаштириш омиллари	31-40
	биринчи боб бўйича хулосалар	40-41
II боб.	Тижорат банкларида инвестицион кредитлаш амалиёти таҳлили	42-75
1.	Тижорат банклари томонидан инвестиция жараёнларини кредитлаш амалиёти таҳлили	42-60
2.	Инвестицион кредитлашда диверсификациялаш амалиёти таҳлили	60-68
3.	“Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили (“Осиё тижорат савдо” МЧЖ мисолида)	68-74
	иккинчи боб бўйича хулосалар	74-75
III боб.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланишни такомиллаштириш ...	76-87
1.	Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш жараёнидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари	76-80
2.	Инвестиция лойиҳалари молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари	81-86
	учинчи боб бўйича хулосалар	86-87
	Хулоса	88-91
	Адабиётлар рўйхати	92-98

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда охириги 21 йил мобайнида амалга оширилаётган иқтисодий диверсификациялаш ва модернизация қилиш турли иқтисодий воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим омиллардан бўлиб инвестициялар ҳисобланади. Зеро, инвестициялар жалб қилиниши учун молия бозорида қулай муҳитни шакллантириш, солиқ юкини камайтириш, молия ва банк секторини ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш зарур.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ҳам ички ҳам ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига сафарбар қилиш орқали эришиш мумкин. Республикамиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилona инвестиция сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инвестиция жараёнларини молиявий таъминлашнинг бозор механизми тижорат банкларининг фаол иштирок этишини билдиради. Бироқ республикамиз макроиқтисодий кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, мамлакатимиз тижорат банклари жами кредит қўйилмалари улуши ЯИМ таркибида нисбатан паст салмоққа эга. 2012 йилда тижорат банклари жами кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати 22,9 фоизни ташкил этиб, тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибида инвестицион кредитлар ўртача 10 фоизни ташкил этади¹. Бу эса, инвестицион жараёнларни молиявий таъминлаш ҳали етарли даражада ривожланмаганлигидан далолатдир. Шунинг учун инвестиция жараёнларини молиявий таъминлашда тижорат банкларининг ўрни ва ролини ошириш ҳамда банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурияти магистрик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2013 й.

тадқиқоти мавзусининг ва авторнинг тадқиқот йўналиши долзарблигини белгилаб беради.

Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона инвестиция сиёсатининг натижаларидан бири эканлигини юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида таъкидлаб ўтганидек, “Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади”².

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Иқтисодиёт реал сектори корхоналари ишлаб чиқаришини модернизациялаштиришнинг самарали инвестицион таъминоти бўлган банкларнинг инвестицион кредитлари тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини инвестицион кредитлар воситасида молиялаштириш усуллари ривожлантириш жараёнидаги давлат, тижорат банклари ва бошқа турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тадқиқот предмети сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Иқтисодиёт реал сектори корхоналари ишлаб чиқаришини модернизациялаштиришнинг самарали инвестицион таъминоти бўлган банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Диссертацияга қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

² - Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 16-176.

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш муаммосининг назарий жиҳатларини ёритиш;
- тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлар бериш борасидаги миллий ва хорижий амалиётни таҳлил қилиш;
- ўтказилган таҳлил асосида Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг самарадорлигини пасайтирувчи муаммоларни ечиш ва камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлар бериш амалиётини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш орқали инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошиши, банк моливий барқарорлигининг мустаҳкамланиши каби ижобий натижаларга эришилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицион кредитлашнинг мазмун ва моҳияти ҳамда инвестицион кредитлашни рағбатлантириш масалаларининг баъзи соҳалари А.С.Лаврушин, С.Р.Питер, А.А.Триф, Д.Л.Рубинфельд, Б.А.Перекатов, В.В.Ковалев, Э.А.Маркарян, Г.П.Герасименко, М.А.Лимитовский, И.П.Любишкин, М.Бромович, Ф.Б.Идрисов, Д.А.Ендовицкий каби хорижий иқтисодчилар ишларида тадқиқ этилган.

Миллий адабиётларда реал иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банкларнинг ўрни ва роли ҳамда инвестицион кредитлаш амалиёти ҳақида Д.Г.Ғозибеков, Ш.З.Абдуллаева, А.С.Жўраев, М.С.Ангелиди, А.Узоқов, Э.Носиров, Н.Каримов, Б.Маматов, Р.Саидов, Н.Кенжаев, Д.Хўжамқулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Ушбу ишда статистик гуруҳлаш ва маълумотларни қайта ишлаш, эксперт ва тизимли таҳлил, солиштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистон иқтисодиётининг реал сектори корхоналари инвестицион-инновацион талабларини инвестицион кредитлар воситасида молиялаштиришни татбиқ этишга йўналтирилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиши, улар доирасида чора-тадбирлар мажмуасининг асослаб берилиши тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти сифатида намоён бўлади.

Тадқиқотининг илмий янгилиги. Иқтисодиётининг реал сектори корхоналари инвестицион-инновацион талабларини инвестицион кредитлар воситасида молиялаштириш механизмини такомиллаштиришнинг шарт-шароитларини асослаб берилиши, назарий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиши бажарилган магистрлик тадқиқотининг янгилиги сифатида намоён бўлади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги, объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, асосий масалалари, адабиётлар таҳлили, тадқиқотда қўлланилган услублар, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда илмий янгилиги аниқ ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи боби “Банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиётини назарий ва ҳуқуқий асослари”га бағишланган бўлиб, унда инвестицион кредитлашнинг мазмун ва моҳияти, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда рағбатлантириш омиллари ёритилган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи боби “Банкларда инвестицион кредитлаш амалиётининг таҳлили” деб номланиб, унда инвестицион кредитлашда диверсификациялашнинг аҳамияти, тижорат банклари инвестицион кредитларининг жорий ҳолати таҳлили ҳамда “Осиё тижорат

савдо” МЧЖ мисолида полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили амалга оширилди ва муаммолар аниқланди.

Магистрлик диссертациясининг учинчи боби “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланишни такомиллаштириш”га бағишланган бўлиб, унда лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш жараёнидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳамда инвестицион кредитлардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари берилган.

Ҳар бир боб бўйича хулосалар алоҳида бобларнинг якунида берилган. Тадқиқотнинг асосий натижалари мазмуни, таклиф ва тавсиялар диссертациянинг хулоса қисмида берилган.

I боб. БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Лойиҳаларни инвестицион кредитлашнинг мазмуни ва моҳияти

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ҳам ички ҳам ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига сафарбар қилиш орқали эришиш мумкин. Республикамиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилона инвестиция сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Инвестицияларни молиялаштириш айрим манбаларининг ўрни ва роли, кўп жиҳатдан, макроиқтисодий мувозанат ҳамда ўсиш барқарорлиги, мулкчилик шакллариининг ривожланиш даражаси ва ўзаро нисбатлари, банк-молия тизимининг ривожланганлиги ва бошқалар билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларни молиялаштириш манбаи тарзида банк кредитининг роли, асосан, жамғармаларнинг ўсиш суръатлари, пул, валюта ҳамда капитал бозорларининг ҳолати билан аниқланади ва белгиланади. Молиявий воситачиликда рақобат муҳитининг мавжудлиги ва умуман Марказий банкнинг пул-кредит, фоиз сиёсати ва банк институтлари стратегияси аниқловчи омиллар сифатида қаралади.

Молиявий бозорларнинг асосий роли - жамғармалар ҳосил қилиб, инвестицияларни ишлаб чиқаришга йўналтиришдир. Молиявий бозорсиз корхоналар ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши зарур бўлади ва бу ҳолат уларнинг ривожланиш имкониятларни чегаралаб қўяди. Молиявий бозорда муҳим ресурслардан бири банк кредитидир. Бунда қарз олувчи учун ссуда капиталига бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланувчи фоиз ставкасининг даражаси, депозит бўйича фоиз ставкалари миқдори, мамлакатдаги инфляция даражаси кабилар муҳим саналади.

Кредитлар кредитлаш муддатига қараб қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитларга таснифланади. Корхоналарнинг асосий фондига

йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар **инвестицион кредитлар** деб ҳам аталади. Узоқ муддатли кредитларнинг зарурлиги корхоналарда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга маблағ етарли эмаслигидан келиб чиқади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир, чунки буларни ҳаммасини амалга ошириш йирик молиявий имкониятларни талаб этади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга инвестицион кредитлар бериш билан таърифланади.

Инвестицион кредитлаш – бу банк кредити берилишининг бир кўриниши. Бу каби кредитлар ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ёки модернизациялаш, қурилиш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилади. Бу кредит турини беришнинг асоси корхонада мавжуд бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг янада самарали босқичига ўтишга мўлжалланган инвестиция дастури ҳисобланади. Инвестицион кредитларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан улар бўйича манфаатдор бўлган кредит ташкилотлари кузатув олиб боришади.

Молиявий муассасалар инвестицион кредитларни ўз вақтида сўндириш мақсадида ўз миқдорларига молиявий ҳисоб-китобларни юритишда амалий ёрдам беради ҳамда кредиталарнинг ишлатилиши устидан назорат қилиб корхоналарнинг инвестицион дастурларида иштирок этади

Оддий кредитдан асосий фарқи инвестицион кредитлаш фақат мақсадли берилади.

Кейинги фарқи шундаки, инвестицион кредитлар узоқ муддатли бўлади. Бу каби кредитларни 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга олиш мумкин. Бу инвестиция дастурини амалга ошириш ва кўзланган натижага эришиш учун етарли муддат ҳисобланади.

Инвестицион кредитлашда маблағларни қайтариш манбаси бу лойиҳани амалга оширишдан олинган даромад ҳисобланди.

Маълумки, инвестицион кредитлаш оддий кредитлашга нисбатан рисклилиқ даражаси юқори бўлганлиги сабабли унга қўйилган талаб ҳам юқори бўлади.

Инвестицион кредитлашда банк даставвал лойиҳани амалга оширувчи корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилади. Корхонанинг молиявий ҳолати бухгалтерия ҳисоботларининг 3 йиллик натижалари маълумотларига кўра ўрганилади. Корхонанинг балансини ўрганишда бюджет ва етказиб берувчилар билан муаамолар йўқлиги, ижобий пул оқими мавжудлиги ва турғун ривожланишига ишонч ҳосил қилиниши керак. Агар балансда зарар кўрсатилган бўлса, унда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш зарур.

Кейин эса, корхонанинг ҳисоб рақамлари бўйича оборотларини таҳлил қилинади. Корхонанинг банклар билан қандай ишлаши, тушумнинг қанча қисми пул кўринишида шаклланиши ва ҳисоб рақамига келиб тушиши муҳим.

Банк корхонанинг кредит тарихини, унинг ўз мажбуриятларини қанчалик тўғри бажаришини таҳлил қилади. Кредит тарихини таҳлил қилганда узоқ ва қисқа муддатли банк кредитлари, молиявий лизинг, узоқ муддатли ижара, қарз ҳисобига ускуналар сотиб олиниши ва бошқалар ҳисобга олинади.

Шундан сўнг, корхонанинг лойиҳани амалга оширишини ҳисобга олган ҳолда пул оқими башорат қилинади. Олинган пул оқими модели асосида корхонанинг қарздорликни сўндириш бўйича имконияти ўрганилади, қарзни камида 1,5 барабар қоплаш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда мақбул кредитни қоплаш графиги танланади.

Корхонанинг пул оқимлари амалдаги ишлаб чиқариш хажмларини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Бунда, бошидаги баланс ёрдамида ўрганилган корхонанинг амалдаги молиявий ҳолати ҳисобга олинади.

Корхонанинг пул маблағлари ҳаракатини электрон моделига эга бўлган банк молиялаштиришнинг айрим рискларини лойиҳанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи ёки кредитга лаёқатлигини таҳлил қилиш йўли билан унинг бозор параметрлари ёки ташқи муҳитга таъсирчанлигини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, лойиҳани молиялаштиришнинг rischiлик даражаси ва мазкур лойиҳа учун салбий оқибатлар эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда таҳлил келтирилади.

Рискларни таҳлил қилгандан сўнг банк рискларни қоплаш учун қабул қилинаётган кредит бўйича таъминотни таҳлил қилади.

Қарздор тўғрисидаги барча керакли маълумотлар олингандан сўнг кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Кредитлар бўйича фоиз ставкалари миқдори турли омилларга боғлиқ бўлади. Жумладан:

- мамлакатдаги инфляция даражаси;
- Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси;
- банклараро кредит бўйича ўртача фоиз ставкаси;
- LIBOR ставкаси (валютадаги кредитлар учун);
- депозитлар бўйича банкнинг ўртача фоиз ставкаси;
- банк кредит ресурсларининг тузилиши: банк пассивида “баланд нарх” ресурсларининг салмоғи қанча юқори бўлса, шунча бериладиган кредит қиммат бўлади;
- ссуданинг мақсади ва шартлари ҳамда бошқалар.

Шу билан кредит бериш чоғида банк кредит ресурслари бозоридаги ҳолат билан бирга кредит битимининг алоҳида шартларини ҳам ҳисобга олади. Масалан, риск, кредитлаш муддати, ссудани бериш йўли, қайтариш таъминоти.

Узоқ муддатли кредитларни тақдим қилиш, расмийлаштириш ва қайтариш банк қоидалари ва қарз олувчи билан тузилган кредит шартномалари асосида тартибга солиб борилади.

Кредит шартномасида қуйидаги шартлар кўзда тутилади:

- берилаётган кредитнинг суммаси;
- муддати ва уни ишлатиш тартиби;
- фоиз ставкалари ва кредит бўйича бошқа тўловлар;
- томонларнинг мажбуриятлари ва иқтисодий жавобгарлиги;
- кредит таъминотининг шакллари;
- кредитни расмийлаштириш учун банкка тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати.

Банк узоқ муддатли кредитни қайтаришнинг даврийлигини ва муддатларини белгилашда қуйидагиларга эътибор беради:


- қилинган харажатларнинг қарз олувчининг соф фойдаси ҳисобига қопланишини;
- корхонанинг тўловга лаёқатлилигини;
- кредит rischi даражасини ва бошқалар;

Узоқ муддатли кредитни олиш учун қарз олувчи банка ўзининг тўловга лаёқатлилигини тавсифловчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

- бухгалтерия баланси;
- фойда ва заралар тўғрисида ҳисобот;
- лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси;

Узоқ муддатли ссудалар деб, республикадаги қонунчиликка асосан тегишли тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахсларга, хусусий тадбиркорларга, юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига беш ва ундан ортиқ муддатга бериладиган ссудалар (кредитлар) тушунилади. Улар қурилиш, реконструкция, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлардаги объектларни техник қайта қуроллантириш харажатлари ва уларга йуналтирилган капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун мўлжаллангандир. Қарз маблағлар техника, технология ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, қишлоқ хўжалик моллари асосий тўдасини шакллантириш, кўп йиллик боғларни яратиш ва бошқа инвестицион мақсадларни молиялаштириш учун ҳам ажратилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда маблағларни жалб этиш учун Давлат архитектура-қурилиш назорати қўмитаси томонидан тасдиқланган бино-иморат қурилиши лойиҳа-сметавий ҳужжатлари, қурилишни амалга ошириш учун ушбу ташкилот томонидан берилган ёзма рухсатнома, янги ўрнатиладиган асбоб-ускуна ва ишлатиладиган хом ашёни етказиб бериш шартномалари, лойиҳанинг иқтисодий қопланиш ҳисоб-китоблари экспертизасининг мавжудлиги талаб этилади. Бунда кредитни ажратиш бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни олиб боришда соф пул оқими муҳим саналади. Ажратиладиган узоқ муддатли қарз маблағларини қайтариш учун ҳукумат кафолатлари, мол-мулк гарови, биринчи синф тижорат банклари, кредитлаш муассасалари ва суғурта ташкилотлари кафолатлари, учинчи шахс ишонч хати (поручительство), қарз олувчи томонидан маблағларни қайтара олмаслик risksдан суғурталаниш (фақатгина республикадаги «Кафолат», «Агросуғурта», «Мадад», «Ўзбекинвест» суғурта ташкилотлари томонидан берилган суғурта полислари) полиси билан таъминланганлиги бўлиб ҳисобланади.

Молиявий институтлар томонидан лойиҳаларни узоқ муддатли қарзлар эвазига молиялаштириш тартиби қуйидаги кўринишда бўлади:



1-расм. Лойиҳани узоқ муддатли кредитлаш³

Узоқ муддатли қарз маблағларни жалб этиш учун тақдим этилган ариза ҳужжатларида қарз олувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакли, таъсисчилари, асосий фаолият йўналишлари, сўралаётган қарз суммаси, фойдаланиш муддати, инвестицион лойиҳа мақсади, корхона активлари ва сўралаётган қарз ўртасидаги нисбат, қарз маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган объект қопланиш муддати, қарз маблағларни олиш ва уларни фоизлари билан қайтариш муддатлари, қарз маблағларни жалб этиш учун таъминланганлик сифатида тақдим этиладиган гаров тўғрисида маълумот, корхона қарздорлиги тўғрисида, унинг бошқа банкларда очилган ҳисоб-рақами бўйича ҳамда қарз олувчининг бошқа корхоналар устав капиталида иштирок этиши бўйича маълумотлар кўрсатилади. Қарз маблағлар ҳисобига молиялаштириш объекти сифатида ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектларни куриш, қайта тиклаш ва техник қайта қуроллантириш ҳисобланган ҳолларда қарз олувчи қуйидаги ҳужжатларни топширади:

³ К.З. Хомитов. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш.- Т.: - 2006.

а) тегишли тартибда тасдиқланган инвестицион лойиҳа техник-иқтисодий асоси ва лойиҳа-сметавий ҳужжатлари;

б) қурилиш қийматининг йиғма сметавай-молиявай ҳисоб-китоблари;

в) йиллар бўйича тақсимланган қурилишнинг адресли дастури;

г) қурилишнинг бутун даври учун бажариладиган ишларга ҳақ тўлаш шакллари кўрсатиб ўтган ҳолда тузилган пудрат шартномлари;

д) технологик асбоб-ускунани етказиб бериш шартномаси, Давлат архитектура қурилиш назорати қўмитаси томонидан тасдиқланган бино-иморат қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурилишни амалга ошириш учун ушбу ташкилот томонидан берилган ёзма рухсатнома, янги ўрнатиладиган асбоб-ускуна ва ишлатиладиган хом ашёни етказиб бериш шартномалари;

е) Давлат экологик экспертизаси ҳулосаси;

ж) қарз олувчи корхонанинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш мақсадида унинг сўнгги уч йилдаги молиявай ҳисобот шакллари;

з) қарз маблағарнинг етарли даражада таъминланганлигини ҳамда объект жойлашадиган ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан янги бошланаётган қурилиш учун берган рухсатномалари.

Қарз маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестицион лойиҳанинг комплекс экспертизаси лойиҳанинг техник экспертизасидан, ўрнатиладиган асбоб-ускуна техник тавсифлари ва технологиясини ўрганишдан, лойиҳа бўйича маркетинг ва информация изланишларни олиб боришдан, ишлаб чиқариладиган ёки кўрсатиладиган хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишдан, рақобатчилар муҳитини таҳлил қилишдан бошланади. Инвестицион лойиҳанинг молиявай-иқтисодий экспертизасида лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги таҳлил қилинади, пул маблағлари оқими

кузатилади ва маъқул бўлган молиялаштириш схемасини танлаш бўйича маслаҳатлар берилади. Комплекс экспертизанинг навбатдаги босқичида инвестицион лойиҳадаги рисклар даражаси аниқланади ва уларни камайтириш чора-тадбирлари белгиланади, шунингдек қарз оловчи шахсга тегишли асосий воситаларни, бино-иншоотларни баҳолаш ишлари амалга оширилади. Комплекс экспертизадаги таҳлил ишларининг сўнггиси эса асбоб-ускуна етказиб берувчилар билан имзоланган шартномаларнинг мавжудлиги, келишувлар асосида эркин айирбошланадиган валюта эвазига ташқи давлатлардан асбоб-ускуна ва материалларни сотиб олиш масалалари ҳолати текширилади, асбоб-ускуна етказиб бериш ва ўрнатиш муддатларининг ишлаб чиқиш графиги билан мутаносиблиги ўрганилади.

Инвестицион лойиҳа комплекс экспертизаси якунида лойиҳани молиялаштириш учун қарз маблағларни ажратиш бўйича хулоса тайёрланади ва у ижобий деб ҳисобланса, узоқ муддатга корхонага маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қабул қилинган қарорга асосан қарз оловчи ва лойиҳани молиялаштирувчи институт ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Қарз шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб, жалб қилинган қарз маблағлар, фоизлар, жарималарни тўлиқ қайтарилгунгача амал қилади. Молиявий институтлар қарз шартномасига кўра қарз маблағларни ажратишда лойиҳа қопланиш муддатларини, пул оқимлари прогнозини инобатга олган ҳолда имтиёзли давр ўрнатади. Бу имтиёзли давр мобайнида қарз оловчи шахс қарз маблағларнинг асосий қисмини қайтармай, қарз бўйича фақатгина фоизларни тўлайди, одатда имтиёзли давр бир йилдан ошмайди.

Қарз маблағлар бўйича фоизлар қарз шартномасидан келиб чиқиб белгиланади, улар мамлакатдаги пул бозори ва инфляция ҳолатига боғлиқ равишда ҳамда томонларнинг ўзаро келишувларига асосан ўзгартирилиши мумкин. Фоиз миқдори қарз маблағлардан фойдаланиш муддати, қарз

олувчи томонидан маблағларнинг ўз вақтида қайтариш кафолатлари, қарз маблағлар ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ва уларнинг баҳоси, шунингдек мавжуд инвестицион лойиҳадаги рискларга боғлиқ равишда аниқланади. Узоқ муддатли қарз маблағлардан фойдаланганлик учун фоизлар одатда ҳар чоракларда ҳисобланади ва тўланади.

Агар узоқ муддатли қарзлар бошқа корхоналар маблағлари ҳисобига жалб этилган бўлса, қарз маблағлар бўйича фоизлар имзоланган шартномага кўра қарздор шахс томонидан мустақил равишда тўланади ёки қарз берган корхона томонининг тўлов талабномасига асосан тўланади. Агар қарз оловчи шахс ўз вақтида фоизларни қайтара олмаса, қарз оловчи шахс муддати ўтган кредиторлик қарздорликка эга бўлиб қолади, бу қарздорлик суммасига нисбатан жарима ҳисоблаб борилади. Агар узоқ муддатли қарзлар тижорат банклари маблағлари ҳисобидан берилган бўлса, фоизлар қарз оловчи асосий талаб қилиб олгунгача депозит ҳисоб-китоб рақамидан мемориал ордерларни расмийлаштириш орқали қарз шартномасида кўрсатиб ўтилган муддатларда ва графикларда қайтарилади. Бунда қарз оловчи фоизларни ўз вақтида қайтара олмаса, қарз оловчи банк олдида муддати узайтирилган қарздорликка эга бўлиб қолади ва улар бўйича жарима ҳисобланиб борилади. Қарздан фойдаланиш давомида томонларнинг ўзаро келишувлари асосида қарзни қайтариш графигига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Қарз оловчи ва тижорат банки ўртасида қарз шартномаси имзолангач, қарз оловчи учун ссуда ҳисоб-китоб рақами очилади, бу ҳисоб-китоб рақами орқали ўтадиган барча операциялар қарз шартномасидан келиб чиқиб олиб борилади. Агар узоқ муддатли қарз маблағлари етказиб бериладиган ва ўрнатиладиган асбоб-ускуна харажатларини молиялаштириш учун сарфланса, ссуда ҳисоб-китоб рақамида ушбу суммада кредит қолдиги мавжуд бўлиб, у қарз оловчи ҳисоб рақамига

келиб тушадиган маблағлар ҳисобга камайиб боради, яъни банк олдидаги қарздорлик тўлаб борилади.

Агар узоқ муддатли қарз маблағлари ишлаб чиқариш мақсадларидаги объект қурилиши, етказиб бериладиган ва ўрнатиладиган асбоб-ускуна харажатларини молиялаштириш учун сарфланса, ссуда ҳисоб-китоб рақамида ушбу суммада кредит қолдиғи мавжуд бўлиб, у қарз олувчи ҳисоб рақамига келиб тушадиган маблағлар ҳисобга камайиб боради, яъни банк олдидаги қарздорлик тўлаб борилади.

Агар узоқ муддатли қарз маблағлари бажариладиган қурилиш, техник қайта қурлантириш ва қайта тиклаш ишларини молиялаштириш учун йўналтирилиши зарур бўлса, ссуда ҳисоб-китоб рақами орқали бажариладиган ишлар учун пул ҳужжатлари тўланади, жумладан, қурилиш сметасига киритилган пудрат ташкилотларига йиллик иш ҳажмининг 15% лик дастлабки аванс тўловлари учун маблағ ўтказилади. Қурилишни молиялаштиришда буюртмачининг ўз маблағлари ҳам қатнашиши кўзда тутилиши мумкин, бундай ҳолатда лойиҳаларда кўрилаётган корхона бошқарувини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, бинони ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни узоқ муддатли қарзлар эвазига молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Қарз шартномасида қарз олувчи қарз ва қарздан ҳақиқатда фойдаланилган вақт учун фоизлар миқдорининг барча суммасини муддатидан аввал қайтариши ҳам кўзда тутилади. Қарз ва у учун фоиз маблағлари ўз вақтида тўланмаса, тегишли тартибда жарима ҳисоблаб борилади, бу ҳолатда ҳам қарз олувчи ссуда ҳисоб-китоб рақамига маблағ тушмаса, жарима ҳисоблаш қарз миқдорининг 5%ига етгунча ҳисоблаб борилади, жарима миқдори бу чегарадан ортиб кетса, қарз берувчи қарздор шахс устидан хўжалик судига тегишли қарор чиқаришни сўраб ариза беради.

Молиявий институтлар томонидан берилган қарз маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб борилади. Мониторинг ишлари қуйидаги ишларни ўз ичига олади:

а) қарзни ҳақиқатда ўзлаштириш муддатларини инвестицион лойиха техник иқтисодий асоси, бизнес режасидаги қарзни ўзлаштириш графиги билан солиштириш;

б) қарз олувчининг молиявий, статистик ҳисоботлари ва оператив маълумотлари асосида унинг чораклик (зарур ҳолларда йиллик) ҳўжалик ва молиявий фаолияти таҳлил қилиш;

в) қарз маблағлари бўйича таъминланганлик воситаси ҳолатини чораклик текшириш, ишонч хати (поручительство) тақдим этган шахс молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

г) инвестицион лойиха бўйича ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришни таҳлил қилиш;

д) мумкин бўлган резервларни ташкил этиш учун қарз олувчи классификацияси;

е) кўрилаётган объектлар бўйича бажариладиган ишларни текшириш ва бошқалар.

Лойиҳавий молиялаштириш ва инвестицион кредитлаш, узоқ муддатли молиялаштиришнинг турлари сифатида, хорижий институциявий инвесторлар ва кредит муассасаларининг иштирок этишини назарда тутиши мумкин бўлса-да, қарз олувчи-мижознинг кредитор билан ўзаро муносабатлари технологияси айна ҳолда анъанавий ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар схемасидан (яъни лойиҳанинг барча иштирокчилари бир мамлакат резидентлари бўлган ҳолатдан) кам фарқ қилади. Битимни расмийлаштиришнинг техник жиҳатида (хусусан, тарафларнинг қонунчилик амалиётидан келиб чиқиб кредит шартномаси шартлари ва илова қилинаётган ҳужжатларни қисман ўзгартириш зарурати туғилиши

мумкин) ва лойиҳани эксперт баҳолаш, эҳтимол тутилган қарз олувчи ва лойиҳа операторининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш схемасида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий таҳлилни амалга ошириш методида мавжуд фарқлар натижасида баъзи бир тафовутлар пайдо бўлади. Шунга қарамай, халқаро ҳамкорликнинг барча устунликларидан самарали фойдаланиш юқорида зикр этилган қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради. Инвестицион лойиҳаларни банклар томонидан кредитлаш борасидаги жаҳон амалиётида ўтган асрнинг 80-йилларида коэффициентнинг қуйи чегараси 2 (200%) даражасида ўрнатилган эди. XX аср 90-йилларининг охирида жаҳон бозорида корпоратив мижозлар ўртасида лойиҳавий молиялаштириш билан боғлиқ хизматларга талабнинг анча катталиги мазкур коэффициент 130% даражасигача пасайишига сабаб бўлди⁴.


Банк кредити амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, лойиҳаларни молиялаштиришда банкларни фаолияти қанчалик серқирралик бўлмасин ҳамда узоқ муддатли кредитларни ҳиссаси қанчалик ўсиш тенденциясига эга бўлмасин, мамлакатимиз реал сектори инвестиция фаолиятини молиялаштиришда банк кредитини ҳиссаси ханузгача жуда оз миқдорда.

2. Инвестиция жараёнларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари

Инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишлари ва ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган мукаммал инвестиция дастурини ишлаб чиқишни талаб этади. Шунингдек ҳукумат томонидан инвестиция жараёнларини такомиллаштириш мақсадида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни янада яхшилашга катта эътибор беришлари муҳим аҳамият касб этади.

⁴ Гонгало Б.М. Обеспечение исполнения обязательств. – М.: СПАРК, 1999.-356 с.

Мамлакатда инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг зарурий асоси бўлиб, давлат қонунчилиги, ҳуқуқий асосни шакллантириш ҳисобланади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари⁵

Бу борада ҳуқуқий шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида республикамізда “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилиниши, бундан ташқари Республикаміз Президенти томонидан 2005 йил апрел ойида “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2010 йил 26 ноябрда “2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг

⁵ “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 24.12.2012й.

кўрсаткичларига эришишнинг устувор йуналишлари тўғрисида”ги ва 2009 йил 28 июлда “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларининг қабул қилиниши инвестиция жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллашишига замин яратади.

Инвестиция жараёнларини молиявий таъминлашнинг бозор механизми тижорат банкларининг фоал иштирок этишини билдиради. “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра, тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

Барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилик қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринбосарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойишига мувофиқ ўтказилган аттестация натижалари бўйича қонунчилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лойиҳаларини инвестициявий молиялаш, танлаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган раҳбарлар тайинланди.

Банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини

молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Куйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубда яхшилаш.

банкларининг энг муҳим вазифалари бўлиб ҳисобланган.

Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар - йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тавсия этилган.

“2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ва банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибали омонатлар ва депозитларни татбиқ этиш, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш йўли билан аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банк айланмасига кенг жалб этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳамда тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштиришнинг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг ғоят муҳим воситаси сифатида микромолиялаш соҳаси ривожланишини рағбатлантириш, тижорат банкларида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш ҳамда замонавий технологиялари ва услубларини жорий қилиш, молия-банк ахбороти савияси ҳамда сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ

ундан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш, республика тижорат банклари ва молия институтларини дунёда қабул қилинган стандартлар, услубиятлар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, профессионал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш кабилар республиканинг молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлиши керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда эришилган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.

Кейинги 10-йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.

Ушбу қонунлар туфайли республикада халқаро талабларга жавоб берадиган инвестиция иқлимини яратишда муҳим ҳужжат бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда хорижий сармоя оқимининг кўпайишига кўмаклашувчи юқори самарали имтиёзлар ва рағбатлар тизими меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан яратилган ва улар такомиллашиб бормоқда.

Банклар томонидан инвестицион кредитлар ажратишда “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги

Низом ҳам асосий меъёрий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат килади. Бу низомда синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби, кредитларни расмийлаштириш тартиби, синдициялаштирилган кредитлаш, унинг ҳисобини юритиш мониторингини олиб бориш ва уни қайтариш тартиби келтириб ўтилган. Унга кўра тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш жараёнида иштирок этадиган асосий тушунчалар қуйидагилар:

синдициялаштирилган кредит - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш;

йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси;

банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув;

етақчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига хизмат кўрсатувчи банк;

иштирокчи банк – синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банк.

Шу билан бигаликда қарз олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равишда мижознинг кредитга қобилиятлилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади. Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит қўмитаси қарор қабул қилган

тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Низомга мувофиқ, йирик инвестиция лойиҳаси учун синдициялаштирилган кредит олиш учун, қарз олувчи етакчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит буюртмаси;

лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини албатта кўрсатилган бизнес-режа;

қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган 1, 2, 2а-шакллардаги охириги 3 йиллик молиявий ҳисоботи;

етакчи банкнинг кредитлашни ташкил этишга доир ички қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Ҳар қандай кредитлаш жараёнида мониторинг олиб борилиши шарт. Хусусан синдициялаштирилган кредитлашда ҳам мониторинг мунтазам олиб борилади. Юқоридаги низомга кўра етакчи банк томонидан қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторингни амалга оширилади. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари томонидан хорижий валютада кредитлаш тартиби бўйича ”Инвестиция лойиҳаларини эркин

алмаштириладиган валютада кредитлаш тўғрисида” Низом ишлаб чиқилган.

Низомда хорижий валютада кредитларни бериш тартиби, Хорижий валютада кредитларни тўлаш тартиби, Хорижий валютадаги кредитлардан фойдаланиши ва уларнинг тўланишини назорат қилиш каби тартиб қоидалар ўз аксини топган. Ушбу низомга кўра, ваколатли банклар ўз уставларига ҳамда уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларида бериб қўйилган валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқларига мувофиқ юридик шахс бўлган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда қарз олувчилар) ни хорижий валютада кредитлашни амалга оширадilar.

Қарз олувчи кредит олиши учун ваколатли банкка асосли тарздаги тақдимнома билан мурожаат этади.

Қарз олувчининг тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қуйидаги ахборотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

а) кредитни олишдан кўзланган мақсадни, кредит олиш зарур бўлган миқдор ва муддатни;

б) хориждан харид қилинаётган товарнинг, мамлакатнинг тавсифини, тўлов валютасини, қийматини, ускуналарни сотиб олишда эса - зарур хом ашё билан таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни;

в) кредитланаётган тадбирнинг техникавий-иқтисодий асосларини, унинг валюта билан ўзини-ўзи қоплашини;

г) бутун қурилиш, ускуналарни созлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш даври мобайнида ишларнинг техникавий лойиҳаси ёки жамланма жадвалини;

д) кредитдан фойдаланиш ва уни тўлаш муддатининг ҳисобини.

Низомга мувофиқ, хорижий валютада кредитларни тўлаш тартиби белгилаб чиқилган. Кредит бўйича қарзни тўлаш қарз олувчининг топшириғига (аризасига) кўра, унинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағидан хорижий валютада амалга оширилади. Кредит бўйича қарзни тўлашда биринчи навбатда кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар суммаси ундирилади. Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда қарз сўмдаги маблағларни ички валюта бозорида эркин алмаштириладиган валютага алмаштириш орқали тўланишига йўл қўйилади.

Низомда хорижий валютадаги кредитлардан фойдаланиш ва уларнинг тўланишини назорат қилишга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Яъни, унда айтилишича, ваколатли банклар қарз олувчилар банк хорижий валютада берган кредит ҳисобига сотиб олган ускуналарни белгиланган муддатда фойдаланишга топширишга риоя этишларини ва ундан самарали фойдаланишни жойларда текширувлар ўтказиш йўли билан ҳам назорат қилади.

Кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармайдиган қарз олувчиларга нисбатан ваколатли банклар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

- кредит беришни вақтинча ёки тўлиқ тўхтатиб қўйиш;
- берилган кредит бўйича бутун қарз суммасини муддатидан илгари ундириб олиш;
- кредит бўйича фоиз ставкасини ошириш (ускуналарни ўз вақтида монтаж қилмаганда ва ишга туширмаганда).

Қарз олувчи кредит шартномасининг шартларини мунтазам равишда бажармаганда ваколатли банк ўз шартларига кўра, қарз олувчидан илгари унга берилган хорижий валютадаги барча кредитларни муддатидан илгари тўлашни талаб қилиши мумкин.

Кичик ва йирик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг кредит ресурсларини кенг жалб этиш, кредит беришнинг янги шакллари ва усуллари жорий этиш, тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий маблағлар олишини кенгайтириш мақсадида республикамиз ҳукумати томонидан турли хилдаги меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қарорлар, фармонлар ишлаб чиқилмоқда. Мана шундай қарорлардан бири “Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

Мазкур қарорга мувофиқ:

- кичик тадбиркорлик субъектларига Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси маблағлари ҳисобига микрокредит бериш Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан танлаб олинган тижорат банклари орқали миллий валютада амалга оширилади;
- эркин алмаштириладиган валютадаги кўрсатиб ўтилган кредит линияси маблағларини миллий валютага конвертация қилиш тижорат банклари томонидан уларни биржадан ташқари валюта бозорида сотиш йўли билан амалга оширилади;
- микрокредитлар бир қарз олувчига 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг микрокредит бериш дастурида қатнашаётган тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун нақдсиз шаклда, шунингдек фақат нақд шаклда қайтариш шарти билан нақд маблағларда микрокредитлар бериш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги тақлифига розилик берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси билан биргаликда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредит беришнинг кенг қўламли дастурини амалга оширишга тижорат банкларини қўшимча жалб этиш тўғрисидаги масалани Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ишлаб чиқади.

Инвестицион муҳит ҳолати яратилган ҳукуқий база ва унинг асослари, қонун ҳужжатларининг сифатли тузилиши ва уларга риоя қилиниши талаб этилади. Ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими, бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро ҳўжалик алоқари қоидаларига асосланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг инфратузилмалари яратилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикасида инвестицион кредитлашни рағбатлантириш омиллари

Давлатнинг юритаётган инвестиция сиёсати натижасининг қандай самарага эга эканлиги мамлакатдаги инвестицион фаолиятнинг ривожланиш ҳолати билан белгиланади. Шу сабабли, одатда, ҳар қандай инвестицион сиёсатнинг мақсади мавжуд инвестицион фаолиятнинг ривожланиш истиқболига қаратилади.

Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қайта қурулантириш, модернизация қилиш, янги иш ўринларини яратишда

тижорат банкларининг ўрни бениҳоят катта. Тижорат банкларнинг кредит портфелида инвестицион кредитларнинг улушини ошириш инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имконияти юқори даражадалигини билдиради.

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз ҳудудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги кафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференсияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

“Чет еллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунга кўра, қонунчилик нормаларининг ўзгартирилиши инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келган тақдирда чет еллик инвесторларга нисбатан ўн йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган қонунчилик қўлланади.

Яна бир қулайлик томони шундаки, давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситадиган норматив ҳужжатлар қабул қилинган, шунингдек, чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашишга йўл қўйилган тақдирда, буларнинг оқибатида етказилган зарар суд орқали мазкур органлар томонидан қопланади.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ – чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин.

Мазкур қонунга мувофиқ, юртимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторларнинг бошқа активлари халқаро ҳуқуқда қабул қилинган умумий ҳолатларни (масалан, табиий офатлар, фалокатлар ва бошқаларни) мустасно этганда, национализация қилинмаслигига яна бир бор эътибор қаратиш ўринлидир.

Ўзбекистонда 2012 – йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципи қабул қилинди ва у амалда жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

Шу жумладан, иш муҳитини яхшилаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармонлар яққол мисол бўла олади.

2012-йил давомида мазкур дастур доирасида олтига муҳим қонун, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Мавжуд инвестицион қонунчилик тизими:

- иқтисодиётимизга чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан мамлакатимизни ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига кўшилишига кўмаклашиш;

- хориж ҳамкорларининг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий, сифатли технологияларини ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш;

- чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш;

- чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларининг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини ва уларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берган⁶.

2007 йилнинг мартидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармоннинг қабул қилиниши хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилишни кучайтириш йўлидаги навбатдаги амалий қадам бўлди. Фармонда қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилган:

- хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни 1-модда.

мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинadиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилган;

- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод қилинган;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилган;

- технологик жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2011 йилнинг январь-май ойлари давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1 трлн. 486 млрд.сўм, унинг 295,2 млрд. сўми микрокредитлар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,4 баробар ўсди. Шунингдек, озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 294 млрд. сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 142,4 млрд. сўм (14 фоиз кўп) кредитлар, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига йирик шохли қорамол сотиб олиш учун 21,6 млрд. сўм (1,6 баробар кўп), оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандликни ривожлантириш учун 11,2 млрд. сўм (1,4 баробар кўп) ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес

лойиҳаларини молиялаштиришга 6,8 млрд. сўмдан ортиқ (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 баробар кўп) имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ:

тижорат банкларининг имтиёзли кредит ажратиш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит ажратишдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

жамғарма маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилиши белгиланди;

тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали тадбиркорларга республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилмоқда.

Банкларнинг мунтазам янгиланиб борадиган веб-сайт ва порталлари орқали ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари билан яратилган имтиёз ва преференциялар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида жойларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, сиёсий партиялар, ҳокимликлар, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Мамлакат Президентининг 2011 йил 24 августдаги Фармони билан тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан банк фаолиятининг янада очиқлигини ошириш ва либераллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Хусусан,

2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилинди;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди;

хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чеклари бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштирилди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган муҳим вазифалардан яна бири бу - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банклари билан ҳамкорликда бир ой муддатда халқаро молия тузилмалари, хорижий жамғармалар ва банклар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим этиш учун тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилишидир.

Маълумки, тижорат банклари томонидан кредит ажратилишида кредитлашнинг асосий принципларидан бири кредитнинг таъминланганлик принциpidир. Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит таъминотининг етишмаслиги республикаимиз кичик бизнес субъектларининг асосий муаммоси ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас, балки АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда мазкур масала Кафолат фондлари томонидан кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш механизми орқали ҳал этилиб келинмоқда.

Айни вақтда бу борада хорижий илғор тажрибалар чуқур ўрганилиб мамлакатимизда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондининг ташкил этилиши янги, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш истагида бўлган минглаб тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да “Банклар - тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!” шиори остида фаолият олиб бораётган банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга 3,8 трлн. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган ва лизинг хизматлари кўрсатилган.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, 2012 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра салкам 2,8 трлн. сўмни ташкил этди

Тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари, мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узок муддатли кредитлар ҳажми 2012 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра 1 трлн. 780 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, соҳага ажратилган жами кредитлардаги улуши 64,0 фоизни ташкил этганини қайд этиш ўринли.



3-расм. Узок ва қисқа муддатли кредит миқдорининг ўзаро нисбати⁷

⁷ <http://cbu.uz/uzc/node/39018>

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилиб, ушбу хоналарда малакали мутахассислар томонидан тадбиркорларга кредитлар ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Чуқур қайта қуроллантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва очишда кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир, чунки буларни ҳаммасини амалга ошириш йирик молиявий имкониятларни талаб этади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга инвестицион кредитлар бериш билан таърифланади.

Инвестицион кредитлар бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлашга оид харажатлар билан боғлиқ капитал қўйилмаларни молиялаш, техника, технологиялар ва ускуналарни харид қилиш, шунингдек, бошқа инвестиция мақсадлари учун мўлжалланган кредитлардир.

Ҳуқуқий шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида республикада “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилиниши, бундан ташқари Республикада Президент томонидан 2010 йил 26 ноябрда “2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада

ислоҳ килиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йуналишлари тўғрисида”ги ва 2009 йил 28 июлда “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларининг қабул қилиниши инвестиция жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллашишига замин яратади.

Республикамизда инвестицион кредитлашни рағбатлаштириш омилларини чуқур ўрганиш реал сектор лойиҳаларини молиялаштариш гарови бўлиб хизмат қилади.

II бoб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

1. Тижорат банклари томонидан инвестиция жараёнларини кредитлаш амалиёти таҳлили

Мамлакатимизда инвестицион фаолликни таъминловчи эркин капитал бозори эндигина шаклланиб бориш жараёнида инвестицияларни молиялаштиришнинг билвосита механизмларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Яъни инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда қарз олувчилар (лойиҳа ташаббускорлари ва уни тадбиқ этувчилари) тижорат банкларига мурожаат қилишга мажбурдирлар. Бунда тижорат банклар ўз капиталлар ва жалб қилинган ресурслар ҳисобига молиялаштириш механизмларини йўлга қўйиши, банк рисклари даражаси юқорилигича қолаётганлигини тасдиқлайди. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида мамлакатимизда инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

Биринчи жадвал маълумотларидан кўринадик, 2007-2012 йиллар мобайнида республикаимизда инвестицияларни молиялаштириш манбаъларининг умумий ҳажмида давлат бюджети маблағлари салмоғида пасайиш, банк кредитлари салмоғида ўсиш тенденциялари кузатилган. Корхона ўз маблағлари ҳамда аҳоли маблағлари билан биргаликда инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркибида 50 ва ундан юқори фоизни ташкил этмоқда.

Жадвал маълумотларидан банк кредитларининг инвестицияларни молиялаштириш манбаларида салмоғи жуда паст эканлигидан далолат беради. Жами молиялаштириш манбаларида банк кредитларининг ҳиссаси 6,4 фоиздан юқори эмас. Бу ҳол инвестицияларни молиялаштириш жараёнида мамлакат банклари иштироки суст эканлигидан далолат беради. Бизнинг фикримизча бу салбий ҳолатнинг мавжудлиги республикаимиз

тижорат банкларида ва узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ва банкларнинг капиталлашув даражасининг паст эканлиги билан изоҳланади.

Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўтиш иктисодиёти мамлакатларида 8 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. 2008 йил 20 февралда қабул қилинган “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармонига кўра тижорат банкларининг ресурслар жалб этишда ҳамда банк капитали капиталлашувини таъминлашда янги саҳифа очиб берди. Ушбу фармоннинг ҳаётга тадбиқ этилиши тижорат банк имкониятларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга асос солди.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни молиялаштириш
манбаларининг таркиби ва динамикаси⁸**


(фоиз ҳисобида)

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби	Йиллар					
	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.
Давлат бюджети	9,0	9,2	8,1	8,0	8,5	7,8
Корхоналар маблағлари	43,0	42,4	40,6	45,7	45,2	45,9
Аҳоли маблағлари	8,2	9,0	10,6	10,5	11,5	10,8
Хорижий инвестициялар	25,8	26,2	27,9	24,5	25,8	26,5
Банklar кредитлари	4,0	4,9	5,2	5,1	5,3	6,4
Бошқа жалб қилинган маблағлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,0
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	9,0	8,0	7,6	5,7	3,2	2,6
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим рол ўйнайди. Улар томонидан бериладиган кредитлар жаҳон амалиётида инвестицияларни

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

молиялаштиришда асаосий манбалардан бири ҳисобланади. Банк фаолиятида кредит портфелини тўғри шакллантирилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Кредит портфелининг ички манбалар ҳисобидан шакллантирилиши ҳолатини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



4-расм. Тижорат банклари кредит портфелининг ўсиш динамикаси⁹

Банк фаолиятининг барқарорлиги ва ишончлилиги кўрсаткичи, биламизки халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳоланиб борилади. 2010-йилда мамлакатимизнинг атиги 15 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 28 тага етди.



5-расм. “Барқарор” кўрсаткичга эга бўлган тижорат банклари сони¹⁰

⁹ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹⁰ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб борапти, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этди.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат 2012 йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.¹¹

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан берилган кредитларни тури ва динамикасига назар ташлайдиган бўлсак, кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитларнинг ҳиссаси пасайиш тенденциясига, узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи эса ўсиш тенденциясига эгадир. 2012-йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011-йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлардир. Бундай ҳолат инвестицион фаолиятни молиялаштириш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланади.

2012-йилда қурилиши ниҳоясига етказилган энг йирик объектлар Навоий иссиқлик электр стансиясида Япониянинг “Мицубиси”

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2013 й.

компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаволт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришамиз.

Автомобил саноатида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди.

2013-йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

2012 йил натижалари буйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг усиши 8,2 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури¹²

Инвестицияларнинг йўналиши	Лойиҳалар нинг умумий қиймати	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижорат банклари кредитлари
Молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	15395	2795	468	12132
Модернизация ва тиклаш	6419	2922	1051	2446
Бошқа йўналишлар	1160	101	-	1059
Жами	22974	5818	1519	15637
Ишлаб чиқиш босқичидаги янги инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	9580	2624	942	9014
Модернизация ва тиклаш	2409	936	182	1292
Бошқа йўналишлар	256	-	-	256
Жами	12245	3560	1124	7561
Дастлабки тарзда ишлаб чиқарилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	6286			
Модернизация ва тиклаш	1014			
Жами	7300			

¹² Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари.-Т.:2010

Юқоридаги расмда молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари учун тижорат банклари томонидан янги қурилишга 12132 млрд сўм, модернизация ва тиклашга 2446 млрд сўм, бошқа йўналишларга 1059 млрд сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Ишлаб чиқиш босқичидаги янги инвестиция лойиҳалари учун эса янги қурилишга 9014 млрд сўм, модернизация ва тиклашга 1292 млрд сўм, бошқа йўналишларга 256 млрд сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Республикамізда инфляция даражасининг ва марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг пасайиши банк кредитлар хажмининг ўсишига қулай замин яратди. Лекин республикаміз тижорат банклари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш мақсадида берилган кредитларнинг жами молиялаштириш манбалардаги салмоғи деярли пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири республикаміз тижорат банклари ҳанузгача синдикатлашган кредитлар ҳисобидан молиялаштириш амалиётини кенг, лизинг кредитидан фойдаланиш амалиётини оммавий тус олдирмаганидир. Инвестицион фаолиятини, шу жумладан йирик инвестицион лойиҳаларни синдикатлашган кредит эвазига молиялаштириш, иқтисодиётни модернизация қилинишини лизинг кредити эвазига кенгайтириш, бизнинг фикримизча, инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредити ролини кучайтишига ва салмоғини кўтарилишига олиб келади.

Йирик банклар фаолиятини таҳлили шуни кўрсатадики банклар ўз ресурс базаларини ошириш билан бир қаторда республикада фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар ва жаҳон молиявий институтлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиб, улар маблағларини иқтисодиётнинг устивор йўналишларини молиялашга қаратмоқдалар.

Йирик банклардан бири бўлмиш Акциядорлик тижорат “Агробанк” амалиёти таҳлилини оладиган бўлсак, Германиянинг “Bayerische Hypo und

Vereinsbank AG” томонидан 3,0 млн. евро миқдорида кредит йуналиши очилди. Бу маблағлар “Roison White Goods” корхонасига кир ювиш машиналари ва музлаткичлар ишлаб чиқариш учун ажратилди. Шу ўринда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан “Тухтаниёз ота” фермер хўжалигининг 103,0 минг АҚШ долларлик ва “Бухоро Гилам” акциядорлик жамиятининг 1 млн АҚШ долларлик лойиҳалари молиялаштирилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

ОАТБ Агробанк ресурс базаси 1561 млрд сўмни, активлар 1666 млрд сўмни ташкил этди.

Аграр комплексни кўллаб-қуватлаш, саноат ишлаб чиқаришини ўстириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжалик маҳсулотларини молиялаштиришга асосий этибор қаратилиб, 1384 млрд сўмлик кредитлар ажратилди. Ўтган йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб – қуватлаш учун 355,4 млрд сўм ҳажмида кредитлар ажратилди. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 51 255 та янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро молия институтлари билан ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланди.

Банкнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг қишлоқ хўжалик тармоғини куллаб- қувватлаш буйича етакчилиги, мамлакат буйлаб кенг тармокли филиаллар, баркарор капиталлашув даражаси ва анъанавий мижозлар базасига эгалиги, хорижий банклар ҳамда молия институтларининг кредит линиялари мавжудлиги ракобатдошлик имкониятларини кенгайтиради.


Банкнинг кенг турдаги чакана ва корпоратив хизматларни кўрсата олиш имкониятлари, кредит портфели ҳамда молиялаштириш базасининг чамбарчас доимий кенгайтирилиши ва диверсификацияланиши мамлакат банк секторида етакчи мавқени эгаллаш имкониятини бермоқда.

Хусусан, ОАТБ Агробанкнинг мамлакат банк секторидаги мавқеи 2011 йил якунларига кўра қуйидагиларда ўз аксини топди:

- а) активлар бўйича 3 ўрин, банк секторидаги улуши- 8,6%;
- б) мажбуриятлар бўйича 4 ўрин, банк секторидаги улуши- 6,2%;
- в) акциядорлик капитали бўйича 2 ўрин, банк секторидаги улуши - 9,5%;
- г) кредит портфели бўйича 3 ўрин, банк секторидаги улуши- 10,3%.

Таъкидлаш лозимки, жами активлар таркибида даромад келтирадиган активларнинг миқдори ўтган йилга нисбатан 1,8 фоизга ёки 20,3 млрд. сўмга ошган бўлса, даромад келтирмайдиган активларни 6,1 фоизга ёки 35,0 млрд. сўмга камайтиришга эришилди.

Банк барқарорлигини таъминловчи яна бир кўрсаткич бўлиб, банк капиталанинг миқдори ҳисобланади. Банк капитали миқдори ўсишини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.




6-расм. Банк капиталининг ўсиш динамикаси, млн. сўмда¹³

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики банк капитали йиллар бўйича ўсиш тенденцияга эга, яъни 2011 йилда 236725 млн. сўмга етган.

¹³ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Банкнинг умумий капиталини 2011-2015 йиллар давомида ўртача 2,1 мартага ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жами капитал ҳисобот санасига 236,7 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 15,9 млрд. сўмга ўсди. Бунда банкнинг устав капитали 126,2 млрд. сўм, захира фонди 102,2 млрд. сўм ҳамда тақсимланмаган фойдаси 6,7 млрд. сўм миқдорида шаклланди.

2012 йилда банк фаолиятининг асосий устувор йуналишлари иктисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, Инкирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, жаҳонда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичларининг мақбул даражасига эришиш, банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, капиталлашув даражаси ҳамда узок муддатли ресурс базасини ошириш ва таваккалчиликларни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир.



7-расм. 2012 йилда “Агробанк” ОАТБ кредит қўйилмаларининг иктисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши¹⁴

“Агробанк” ОАТБ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Республикада банклар томонидан амалга

¹⁴ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

оширилаётган инвестиция дастурига асосан Агробанк томонидан 2011 йил давомида агрокомплекс тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда саноатни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга жами 256,1 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди. Шундан,

- саноат соҳасига 80,1 млрд. сўм ёки 31 фоиз;
- кишлоқ хўжалигига 90,2 млрд. сўм ёки 35 фоиз;
- моддий-техника таъминотига 35,4 млрд. сўм ёки 14 фоиз;
- қурилиш ва бошқа соҳаларга 50,4 млрд сўм ёки 20 фоиз миқдорида инвестицион кредитлар йуналтирилиб, 12 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2011 йилда ажратилган инвестицион кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 120 фоизга ўсиб, 2012 йилнинг 1-январ ҳолатида уларнинг қолдиғи 576 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкда жами 6 та халқаро молия институтлари билан алоқалар ўрнатилган бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Халқаро Тараққиёт Уюшмаси, Хитой Эксимбанки ҳамда Германиянинг Хипоферайнсбанки ва Хусусий Секторни Ривожлантириш Ислом корпорациясининг жами 77,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри кредит линияси жалб қилинди.

Шундан, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йуналтирилган линиялар бўйича:

- ОТБдан “Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш 2-фаза” лойиҳаси доирасида босқичма-босқич жами 20 млн. АҚШ доллари жалб қилиниши белгиланган бўлиб, ҳозирда жами 6 млн. АҚШ доллари жалб қилинган ва қўшимча 14 млн. АҚШ доллари жалб этилиши кутилмоқда;

- ОТБнинг “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси” доирасида 13,4 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб, тўлиқ ўзлаштирилган;

- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг “Қишлоқ хўжалигини қўллаб- қувватлаш лойиҳаси” барча компонентлари бўйича жами 15,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар тўлиқ жалб қилинган ва ўзлаштирилган;

- Халқаро Тараққиёт Уюшмасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб- қувватлаш лойиҳаси II босқичи” лойиҳаси бўйича жами 8,2 млн. АҚШ доллари ва 12,4 млрд. сўм жалб қилинган;

- Хипоферайнсбанкдан (Германия) жами 2,8 млн. евро миқдорида кредит маблағлари тўғридан-тўғри жалб қилинган бўлиб, кредит линияси маблағлари тўлиқ ўзлаштирилган;


- ХСРИК кредит линиясининг 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари жалб қилинган бўлиб, 2011 йилда ушбу маблағлар тўлиқ ҳажмда самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йуналтирилди.

Банк томонидан инвестициялар салмоғини ошириш ва хорижий манбалардан самарали фойдаланиш учун ОАТБ Агробанк ҳамда Польша Миллий банки ўртасида Меморандум имзоланди. Шундай қилиб Агробанк республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк”АТБнинг бу соҳадаги кўрсаткичларини таҳлил қилсак.


Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекнефтгаз, Узбекэнерго, Узхимпром соҳаларида ҳам инвестицион кредит ҳисобига кўплаб лойиҳалар молиялаштирилмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк”АТБ томонидан “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг

компаниясининг 319 та, “Ўзбекэнерго” АКнинг 102 та ва “Ўзхимпром” АКнинг 44 та корхоналари ва ташкилотларига хизмат кўрсатилади.



8-расм. Кредит қўйилмалари ва бошқа активларнинг ўсиш динамикаси¹⁵

Юкоридаги расмдан кўриниб турибдики, Ўзсаноатқурилишбанк АТБ кредит қўйилмалари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 889,3 млн сўмга ошган. Бошқа активлар эса 642,7 млн сўмга кўтарилган. Бу эса Ўзсаноатқурилишбанк АТБ кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.



9-расм. Кредит портфелининг ўсиш динамикаси¹⁶

¹⁵ 2012 йилда Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹⁶ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Юкоридаги расмда кўриш мумкинки, Ўзсаноатқурилишбанк АТБ кредит портфелида инвестицион кредитлар улуши йилдан – йилга ошиб бормоқда. 2011 йилда инвестицион кредитлар 1 081,50 млн сўмни, 2012 йилда эса 1 853,80 млн сўми ташкил этди. Инвестицион кредитларнинг ошиши республикада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланаётганидан далолат беради.

3-жадвал.

Халқаро молиявий институтлар кесимида кредит линиялари жалб қилиниши (млн. АҚШ долларида)¹⁷

	Кредит линияси номи	Халқаро ҳамкор	2011 йилда жалб қилинган сумма	2012 йилда жалб қилинган сумма
1.	Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси кредит линияси	ХСРИК	2,00	4,00
2.	Немис банклари кредит банклари	Немис банклари (тижорат банклари, Дойч банк)	3,00	3,00
3	Саноат корхоналаринининг электр самарадорлигини ошириш лойиҳаси кредит линияси	Жаҳон банки	5,00	5,5
	Жами		10,0	12,5

¹⁷ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Банк томонидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришга, маҳаллий хом-ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган.

ТИФ Миллий банки ҳам инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этувчи банклардан бири ҳисобланади.

Миллий банк ўз фаолияти даврида ҳукуматга оид ва минтакавий даражадаги кўплаб дастурларни амалга оширишда, хусусан хар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва модернизациялаш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини техник ва технологик қайта жихозлаш дастурларида фаол қатнашиб келаяпти.

Иқтисодиётнинг реал секторига кредит қуйилмалари ҳажми 2011 йилда аввалги йилнинг тегишли давридагига нисбатан 20% кўпайди. Кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитлар улуши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш ишлари банк фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири сифатида белгиланган. Кредит портфелининг асосий улуши узоқ муддатли кредитлардан иборат бўлиб, уларнинг қиймат салмағи 89,1%ни ташкил қилди.

2011 йилда Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317 сонли қарорини бажаришга қаратилган кредитларни беришда давом этди. Банк йил бошидан бошлаб 1,4 трлн. сўмлик инвестиция лойиҳаларини молиялаштирди.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг умумий суммасида инвестиция кредитларининг қиймат салмағи 87%ни ташкил этди.

2011йил якунлари бўйича “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК,

“Ўзбекэнерго” ДАК, Навоий кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” УТТТК, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” УК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “General Motors Uzbekistan” ҚК ЁАЖ, “General Motors Powertrain – Uzbekistan” ҚК ЁАЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТЙК каби корхона ва ташкилотлар энг йирик қарз олувчилар бўлди.

2012йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши куйидагича бўлди:



10-расм. 2012йил 1 январдаги ҳолатга кўра кредит портфелининг тузилиши¹⁸

ТИФ Миллий банки томонидан қуйидаги халқаро кредит линиялари орқали кредитлар жалб қилинган:

- IDB - 30 млн. АҚШ доллари;
- ICD (Ислом корпорацияси) – 15 млн.АҚШ доллари

¹⁸ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

- ADB - 120 млн. АҚШ доллари;
- CDB – 155 млн. АҚШ доллари;
- Eximbank Korea – 60 млн. АҚШ доллари;
- IFC - 15 млн. АҚШ доллари;
- KfW - 15 млн. АҚШ доллари.

4-жадвал

ТИФ Миллий банкининг асосий кўрсаткичлари¹⁹

<i>Кўрсаткич</i>	<i>2010 йил</i>		<i>2011 йил</i>	
	<i>Миллий валютада</i>	<i>АҚШ долларида</i>	<i>Миллий валютада</i>	<i>АҚШ долларида</i>
Активлар	7,02 трл.	4,3 млрд.	7,9 трл.	4,5 млрд.
Капитал	746,2 млрд.	455,1 млн.	843,9 млн.	470,1 млн.
Кредит портфели	3,7 трл.	2,39 млрд.	4,1 трл.	2,3 млрд.
Соф фойда	30,3 млрд.	18,5 млн.	32,9 млрд.	18,4 млн.

1991 йилдан ҳозирги кунгача Миллий банк томонидан умумий қиймати 6,91 млрд. АҚШ долларини ташкил этадиган 217 та лойиха молиялаштирилди.

Ҳозирги вақтда Миллий банк томонидан умумий қиймати 3,95 млрд. АҚШ долларини (эквивалентда) ташкил этувчи 122 та инвестиция лойихаси бўйича 160та кредитга хизмат кўрсатилмоқда.

¹⁹ 2012 йилги Тошкент инвестиция форуми материаллари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда 2011 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари манзил дастурига (ЎзР Президентининг 29.12.2010 йилдаги ПҚ-1455 сонли қарорига 7-илова) мувофиқ, Миллий банк томонидан умумий кредит эҳтиёжи 430,58 млн. АҚШ доллари бўлган 4та лойиҳа бўйича молиялаш ишлари бошланган. Булар, жумладан: Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳамда сув қувурига яқин жойлашган аҳоли пунктлари сув билан таъминланишини тубдан яхшилаш; йуловчи ташийдиган электровозлар паркини янгिलाш; юрувчи состав таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва “Металл қуйиш-механика заводи” ШКда металл қуйиш цехини реконструкциялаш (ЎзР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан); “Ўзбекистон Ҳаво йўллари” МАКнинг ҳаво кемалари паркини янгिलाш ва унификациялаш (ЎзР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан).

Янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, ишлаб турганларини модернизациялаш ва реконструкциялаш бўйича 2011 йилда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари жамлама манзил дастурига (ЎзР Президентининг 29.12.2010 йилдаги ПҚ-1455 сонли қарорига 8-илова) мувофиқ, Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 1206 млн. АҚШ доллари ва 19 млн. евро бўлган 9та лойиҳа бўйича молиялаш ишларини бошлаган. Булардан энг йириклари: “Talgo-250 русумидаги (Испания) 2та тезюарар йуловчи электропоездини сотиб олиш” (ЎзР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан); “Навоий ИЭСда буғ-газ қурилмасини бунёд этиш”; “Муборак газни қайта ишлаш заводи УШКда суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси қурилмасини бунёд этиш”; “Зормитан олтин конлари зонасидаги конлар негизида кон қазиш комплекси қурилиши (II боскич, Гужумсой кони)”; 6та ихтисослаштирилган кўчма асфальт-бетон

комплекси тўпламини сотиб олиш (ЎЗР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан).

Ўзмилийбанк “Сурғил кони негизда Устюрт ГKK қурилиши ва қонни жиҳозлаш” ҳамда “Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси қурилиши” лойиҳаларида иштирок этиши кўзда тутилмоқда. “Джи Эм Пауэр Трэйн Ўзбекистан” ЁАЖда автомобиллар учун қуч агрегатлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси молиялаштирила бошланди.

Шундай қилиб, Миллий банк олиб бораётган ишлар унинг мамлакатдаги етакчи инвестиция банк-молия муассасаси деган унвонини яна бир бор тасдиқлайди. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш борасида Миллий банк олиб борган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон банк хизматлари бозорининг етакчиларидан бири бўлган Банк муваффақиятли амалга оширилган бир қанча инвестиция лойиҳаларидан иборат “состав”ни тортиб кетаётган “иктисодиёт локомотиви” ролини бажармоқда.

2. Инвестицион кредитлашда диверсификациялаш амалиёти таҳлили

Тижорат банкларида инвестициявий кредитлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлашда асосий усул сифатида диверсификациялаш тизими муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда нафақат хорижий банк амалиётида, балки республикамиз банк тизимида ҳам кредитларни диверсификациялаш тизимини такомиллаштиришга кенг эътибор бериб келинмоқда.

Диверсификациялаш тизими фақат банклар амалиётида эмас, балки иқтисодиётнинг барча субъектлари фаолиятида таваккалчиликлар

даражасини пасайтириш ва самарадорликни оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Диверсификациялаш тизими банк кредит портфелини мулкчилик шакли, фаолият кўрсатиш тури, капитал ҳажми, шунингдек, ҳудудий хусусиятларига кўра фаркланувчи мижозлар ўртасида тақсимлашни ифодалайди. Фикримизча, инвестициявий кредитларнинг кўпроқ иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этиши уларни диверсификациялашга алоҳида ёндашишни талаб этади.

Инвестициявий кредитларни диверсификациялашда тармоқлар бўйича, ҳудудий ва портфел диверсификациялаш усулларида фойдаланиш мумкин.

Кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялашда банк томонидан кредитларни иқтисодиётнинг саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, транспорт каби турли тармоқарига тақсимланиши тушунилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, банкларда инвестициявий кредитларни иқтисодиётнинг тармоқларига диверсификациялаш самарали кредитлаш тизимининг асосий шарти ҳисобланади (жадвал).

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБда кредитларнинг тўпланиши саноат тизими корхоналарига тўғри келмоқда. Хусусан, саноатга берилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши йил сайин ўсиб бориб, 2012 йил январ ҳолатига 2008 йил январ ҳолатига нисбатан 18,6 фоизга ўсди, шунингдек мазкур ҳолат қурилишда - 7,6 фоизга камайиш, транспорт соҳасида - 4,8 фоизга ўсиш, савдода - 2,5 фоизга камайиш, қишлоқ хўжалигида 2,7 фоизга камайиш, коммунал хизматлар соҳасида — 1,4 фоизга камайишни намоён этган. Бу ҳолатни банк мижозлари таркибининг асосий қисми саноат соҳасигатегишли эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабли, банк

кредит портфели диверсификациясини саноат тармоқлари бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Портфелли диверсификациялаш банкларга кредит портфели таркибини оптималлаштириш, шу асосда таваккалчилик ва даромадлилик даражаларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларида инвестициявий кредитларни диверсификациялашни расмдаги услуб асосида ташкил этишни тавсия этамиз.

5-жадвал

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ кредит портфелининг иқтисодиёт тармоқларига диверсификацияланиши²⁰

№	Кўрсаткичлар	Йиллар								01.01.2012 йил ҳолатига 01.01.2009 йилга нисбатан ўзгариш(+;-)	
		01.01.2009й.		01.01.2010й.		01.01.2011й.		01.01.2012й.			
		млрд. сўмда	фоизда	млрд. сўмда	фоизда	млрд. сўмда	фоизда	млрд. сўмда	фоизда	млрд.сўмда	Фоизда
1	Саноат	435,4	45,9	562,8	44,8	661,9	46,5	1546,0	66,9	1260,8	+18,6
2	Қурилиш	159,9	16,8	255,9	20,4	278,0	19,5	244,0	10,6	137,0	-7,6
3	Траспорт	92,7	9,8	159,6	12,7	187,8	13,2	241,0	10,4	207,6	+4,8
4	Савдо	102,8	10,8	113,9	9,1	122,5	8,6	111,0	4,8	67,8	-2,5
5	Қишлоқ хўжалиги	37,1	3,9	39,4	3,1	41,9	2,9	40,0	1,7	14,1	-2,7
6	Коммунал хизматлар	8,2	0,9	7,5	0,6	6,6	0,5	5,0	0,2	-4,7	-1,4
7	Бошқа тармоқлар	113,4	11,9	116,2	9,3	124,8	8,8	125,0	5,4	38,5	-9,2
	Жами:	949,5	100	1255,3	100	1422,7	100	2312,0	100		

Айниқса, инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш республика иқтисодиётини бир текисда ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Хусусан, 2011-2015 йилларда банклар кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган жами

²⁰ “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг 2007-2011 йиллар учун чоп этилган молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

1084,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳалари мутаносиб равишда — геология, иссиқлик энергияси мажмуаси, кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия саноатидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 37,3 фоиз (405,2 млн. АҚШ доллари), машипасозлик, электротехникава авиация саноати мажмуасини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 18,1 фоиз (195,7 млн. АҚШ доллари), қишлоқ ва сув хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъ-мол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга 6,4 фоиз (69,8 млн. АҚШ доллари), коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустриясини ривожлантириш бо-расидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 9,3 фоиз (101,2 млн. АҚШ доллари), таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 4,7 фоиз (51,1 млн. АҚШ доллари), макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий қайтақуриш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 24,1 фоиз (261,1 млн. АҚШ доллари) тақсимланиши белгиланди.

Банклар инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялашда статистик тадқиқот усулларида кенгроқ фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Мазкур тадқиқотлар миқдорларнинг тармоқда тутган ўрни, молиявий ҳолати, бошқа хўжалик субъектлари билан боғлиқлиги каби асосий жиҳатларни таҳлилий кузатишни қамраб олиши зарур. Агар бирор тармоқдаги хўжалик субъекти иқтисодий ўсиш ҳолатида бўлса, унинг лойиҳасини молиялаштиришдан олинадиган даромад банкнинг бошқа тармоқдаги хўжалик субъекти лойиҳасини молиялаштиришдан кўраётган зарарини қоплаш имконини беради. Умуман олганда, бу борадаги тадбирлар банкларга инвестициявий

кредитларнинг тармоқлар бўйича юзага келадиган таваккалчиликларини пасайтириш имконини яратади.

Кредитларни диверсификациялашнинг географик усули банклар томонидан кредит портфелини турли ҳудудлар (вилоятлар, туманлар ва ҳ.к.) да жойлашган миқозлар ўртасида тақсимлашни назарда тутди. Инвестициявий кредитларни географик диверсификациялаш республиканинг етарли даражада саноатлашмаган, яшаш учун қулай шароитлар яратиш зару-рати мавжуд, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан энди ривожланаётган минтақаларини инвестициявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини яратишда муҳим ҳисобланади.

Банкларда кредитларни портфелли диверсификациялаш кредитларни қарздорларнинг турли тоифалари — йирик компаниялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари, уй ҳўжаликлари, жисмоний шахслар ўртасида тақсимлашни назарда тутди. Бугунги кунда банклар ўртасида кредит муносабатлари эмас, балки қисқа муддатли депозитлар жойлаштириш орқали ресурслар жалб қилиниши амалга оширилмоқда. Худди шу каби, давлат органларига жойлаштирилган кредитлар ҳажми ҳам банклар кредит портфелини диверсификациялаш тизимида сезилмайди. Аммо, банклар кредит портфели диверсификациясида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг улуши ортиб бормоқда. Бу ҳолат ижобий аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг эҳтиёжини қондиришда кредит муносабатларининг ўрни мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

Фикримизча, банкларда кредитларни мазкур усулда диверсификациялаш кредитлаш жараёнларини чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қилади, чунки бу ҳолатда қарздорларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, кредит таъминоти етарлилигини таъминлашда таваккалчиликлар юқори бўлади. Ўз навбатида, диверсификациялашнинг мазкур усули банклар амалиётида кенг тарқалган усул ҳисобланди. Бу ҳолатни миқозлар

томонидан яқин жойлашган банкларнинг танланиши, ҳукуматнинг иқтисодий дастурларига мувофиқ, кредитлаш кўрсаткичларини амалга оширилиши каби бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялашда ушбу усуллар асосида иш ташкил этиш билан бир қаторда, кредитлашнинг бошқа хусусиятлари, хусусан бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига ажратиладиган кредитлар, ишончли кредитлар, йирик кредитларнинг тўпланиш даражасига эътибор қаратиш зарур. Шунини қайд этиш зарурки, кўпгина ҳолатларда банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредитлар йирик кредитлар жумласига киради. Шу сабабли, амалдаги банк қонунчилигига мувофиқ, бу каби кредитлар миқдорига чекловлар ўрнатилган. Жумладан, бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1-даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги, ишончли кредитлар учун таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1-даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги, банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми 1-даражали банк капиталидан 8 мартадан ортиқ ошиб кетмаслиги белгиланган.

Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, тижорат банкларида инвестициявий кредитларни диверсификациялаш тизимини самарали жорий этиш банк мутахассисларидан молия бозори, қонунчиликдаги ўзгаришлар, ҳудудий мутаносибликлар тўғрисида профессионал малакавий тайёргарликни талаб қилади. Айниқса, диверсификациялаш тизими мониторингини амалга оширувчи банк мутахассисларининг хулосалари инвестициявий кредитлар таваккалчилигини тўғри баҳолашда асосий манба ҳисобланади.

Тижорат банкларида инвестициявий кредитлаш жараёнини самарали диверсификациялашда ташкилий асосларни тўғри белгилаш муҳим

аҳамиятга эга. Хусусан, барча банкларда ҳар йили ишлаб чиқиладиган кредит сиёсатида диверсификациялаш асослари аниқ белгиланиши лозим.

Кредитларни диверсификациялаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуи диверсификациялаш сиёсатини ташкил этади.

Банкларда кредит портфелини мунтазам равишда диверсификациялаб боришда диверсификациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, кўпгина банкларда мазкур стратегияни ишлаб чиқишга эътибор берилмасдан келинмоқда.

Кредитларни диверсификациялаш стратегияси банкни ривожлантириш стратегиясининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Ушбу стратегияни диверсификациялаш борасидаги бошқа тартиб-қоидалардан асосий фарқи шундаки, диверсификациялаш стратегияси банк кредит портфелини оптималлаштиришнинг истиқболли кўрсаткичларини ўз ичига олади. Хусусан, диверсификациялаш стратегиясида кредит портфели тақсимотининг бир неча йиллик режалари, иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштиришда, сифатли, экспортга йуналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан технологияларни татбиқ этиш учун кредитлар ажратишни кўпайтириш кўрсаткичлари, бу борадаги чора-тадбирлар, уларни ижро этиш муддатлари, диверсификациялашдан кутилаётган натижалар кабилар аниқ акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, тижорат банкларида инвестициявий кредитлар диверсификациясини самарали амалга ошириш мазкур жараёнда иштирок этувчи масъул таркибий тузилмалар фаолиятининг мувофиқлаштирилишига бевосита боғлиқ. Таҳлилларнинг кўрсатишича, инвестициявий кредитлар диверсификацияси мижозлар таркибини диверсификациялашга асосланади. Бу эса, банкнинг бухгалтерия, пул муомаласи, валюта каби бўлинмалари томонидан корпоратив мижозлар

билан тўғри иш ташкил этилишини талаб қилади. Шунингдек, инвестициявий фаолиятни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан самарали инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиш, комплекс баҳолаш ва экспертиза қилиш механизмининг такомиллаштирилиши инвестициявий кредитларни диверсификациялаш жараёнининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, банкларда кредитларни диверсификациялаш даражасини баҳолаш ва мазкур тизимни ривожлантириш бўйича назоратни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда кредитлаш мониторинги объекти сифатида кредитларни зарур даражада диверсификациялаш таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тижорат банкларида инвестициявий кредитларни диверсификациялаш жараёни бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида:

тижорат банкларида активларни бошқариш билан боғлиқ ички сиёсатлар (кредит, фоиз, ликвидлик, инвестиция, таваккалчиликларни бошқариш ва ҳ.к.)да диверсификациялаш тамойиллари, усуллари аниқ белгилаш, мазкур механизмга қўйиладиган талабларни кучайтириш;

кредит портфелини тармоқлар бўйича, ҳудудлар бўйича ва бошқа белгилар бўйича диверсификациялашнинг асосланган миқдорий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва мазкур кўрсаткичлар бўйича иш ташкил этишни йўлга қўйиш;

банкларда кредит портфелини диверсификациялаш мониторингини ўтказиш механизмини такомиллаштириш. Бунда ишлаб чиқиладиган мониторинг дастурларида диверсификациялашни таҳлил қилиш бўйича аниқ талабларни киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилганимизда, тижорат банкларида инвестициявий кредитларни диверсификациялаш тизими бу борада юзага келиши мумкин бўлган

таваккалчиликларни аниқлаш ва олдини олишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

3. “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили

Ҳозирги кунда кўпгина тижорат банклари инвестицион кредитлаш жараёнини ўзларининг ички кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мустақил амалга оширадилар.

Республикаимизнинг йирик инвестицион банки ҳисобланмиш ОАТБ “Агробанк” ҳам лойиҳаларни молиялаштиришда етакчилик қилиб келмоқда. Агробанк томонидан молиялаштирилган “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлилини кўриб чиқамиз.

“Осиё тижорат савдо” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” лойиҳасини молиялаштириш мақсадида 503 580 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни сўраб ОАТБ Агробанкка ариза билан мурожаат қилган. Кредит олиш учун “Осиё тижорат савдо” масъулияти чекланган жамият томонидан техник-иқтисодий асоснома, тасис ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар, кредит таъминоти(олинадиган кредитнинг 125% миқддоридан кам бўлмаслиги керак) каби ҳужжатлар тақдим этилди.

Лойиҳанинг мақсади шакар, ун каби маҳсулотларни солишга мўлжалланган полипропилен қопларни ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот республика ички бозорини юқари сифатли маҳсулот билан таъминлайди, янги иш ўринларини ташкил қилади, Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради ва аҳолини иш билан таъминлайди.

ОАТБ “Агробанк” Бошқаруви “Осиё тижорат савдо” хусусий фирмаси томонидан полипропилен қоп ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ускуна сотиб олишга, Агробанкда очилган Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) кредит линияси ҳисобидан 503 580 АҚШ доллари миқдорида 5 йил муддатда, йиллик Либор + ОТБ фоиз тўлови + Агробанк маржаси устама тўлов шarti билан кредит ажратишга қарор қилди. Банк томонидан ажратилган кредитнинг қайтариш муддати 2009 йил 13 апрел қилиб белгиланди.

“Осиё тижорат савдо” масъулияти чекланган жамиятига 2003 йил 11 сентябрдаги 36 – сонли кредит шартномасига асосан “Полипропилен қоп ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” лойиҳасини молиялаштиришга 503 580 АҚШ доллари миқдорида Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) кредит линияси ҳисобидан Хитойнинг “CHINA UNITED ELECTRIC IMPORT & EXPORT CORP” компанияси билан 2003 йил 6 майда тузилган ЮС-438-сонли импорт шартномасига асосан ускуна сотиб олишга кредит ажратилган.

Юқорида келтирилган кредит ҳисобидан сотиб олинган ускуналар 2004 йил 16 январда Агробанк билан “Осиё тижорат савдо” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган Гаров шартномасига асосан 245 126 АҚШ долларига гаровга олинган.

Банк томонидан ажратилган кредит маблағларининг гаров таъминоти сифатида кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуналар ва 2006 йил 24 июлдаги “Осиё тижорат савдо” МЧЖ, ”Шўрчидонмахсулотлари” ОТАЖ ҳамда ОАТБ “Агробанк” ўртасида имзоланган кафиллик шартномаси тақдим этилган.

Кафиллик шартномасига асосан “Осиё тижорат савдо” МЧЖнинг банк олдидаги кредити ва ушбу кредит асосида келиб чиқадиган бошқа мажбуриятлар кафил (“Шўрчидонмахсулотлари” ОТАЖ) томонидан тўлаб берилиши белгилаб қўйилган.

Кредит ҳисобига қуйидаги ускуналар сотиб олинган:

Кредит ҳисобига сотиб олинган ускуналар²¹

№	Ускуна номи ва тури	Сони	Нархи	Жами нархи
1.	SJ-90/33-1000 А ип ишлаб чиқариш линияси учун	1 комплект	122 745	122 745
2.	Quartloom-4.В-2000 юқори тезликдаги станок	18 дона	8 300	149 400
3.	Quartloom-6.В-2000 юқори тезликдаги станок	2 дона	9 900	19 800
4.	SHGW-100 иккинчи даражадаги хомашёни қайта ишлаш учун ускуна	1 дона	6 440	6 440
5.	SCP-30 иккинчи даражадаги қайта ишлаш учун ускуна	1 дона	1 000	1 000
6.	KS-850 қадоқалаш ускунаси	1 дона	3 300	3 300
7.	GK-21 ишлаб чиқариш ювиш машинаси	12 дона	260	3 120
8.	Оборот ускуна	25000 дона	0,30	7 500
9.	ВУ-800 агрегати	1 дона	6 875	6 875
10.	Қўшимча ускуналар	Комплект		15 000
11.	Монтаж қилиш		10 000	10 000
12.	А003S полипропилени	90 тн	760	68 400
13.	Полипропиленга қўшимчалар	20 тн	400	8 000
14.	Суғурталаш		52 000	52 000
15.	STM 1000 ламинация ускунаси	1 дона	30 000	30 000
	Жами			503 580

Лойиҳани молиялаштириш манбаси²²

Молиялаштириш манбаси	Миллий валюта (АҚШ доллари)	Барқарор валюта (АҚШ доллари)	Жами (АҚШ доллари)	Таркиби (%)	
Ўз капитали					
Капитал қўйилмалар	150 000		150 000	76,0%	
Молиявий харажатлар	12 086	35 251	47 337	24,0%	
Жами ўз капитали	162 086	35 251	197 337	100,0%	28,2%
Банк кредити		503 580	503 580		71,8%
Жами молиялаштириш миқдори	162 086	538 831	700 917		100,0%

²¹ “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳаси ТИА маълумотлари.

²² “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳаси ТИА маълумотлари.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 700 915 АҚШ доллар, шундан 503 580 АҚШ доллари банк кредити, бундан:

- Асбоб-ускуналар қиймати – 372 180 АҚШ доллар.
- Еҳтиёт қисмлар комплекти – 10 000 АҚШ доллар.
- Транспорт харажатлари, суғурта ва кадоқлаш – 40 000 АҚШ доллар.
- Монтаж ва ходимларни ўқитиш – 5 000 АҚШ доллари.

Қарзни қоплаш коэффиценти йиллар бўйича:

- 1 йил – 1,3, ишлаб чиқариш қувватларини 80%га ўзлаштириш;
- 2 йил – 3,0 ишлаб чиқариш қувватларини 95%га ўзлаштириш;
- 3 йил – 3,9 ишлаб чиқариш қувватларини 100%га ўзлаштириш.

Келтирилган коэффицент рақамларидан келиб чиқиб, лойиҳани амалга ошириш пайтида унинг самарадорлиги юқори даражада эканлигини билиш мумкин.

Лойиҳанинг сотиш режасини таҳлил қиладиган бўлсак, уни кейинги жадвалда қуйидагича акс эттирамиз:

8-жадвал

Лойиҳанинг сотиш режаси²³

Сотиладиган маҳсулот	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	6 йил
Ички бозор(дол)						
Сотиладиган маҳсулотларни кадоқлаш учун қоплар	977 427	1 190 924	1 257 681	1 259 570	1 259 570	1 259 570
Экспорт (дол)						
Сотиладиган маҳсулотларни кадоқлаш учун қоплар	526 307	641 267	677 213	678 230	678 230	678 230
Жами	1503 733	1 832 191	1 937 894	1 937 801	1 937 801	1 937 801

²³ “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳаси ТИА маълумотлари.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдаги асосий риск бу ишлаб чиқариш rischi ҳисобланади. Яъни, ишлаб чиқариш riskига хом ашё етказиш кечикиб қолиниши ёки уни валютада харид қилиниши еҳтимоли, етказиб бериш шартларининг тўсатдан ўзгариши, хом ашё баҳосининг сезиларли ўзгариши (5%дан ортиқ) ва бошқалар киради.

Шу ўринда, берилган кредитнинг қайтиши унинг тўланиши бўйича тузилган графикка асосан амалга оширилади. Кредитни тўлаш графиги куйидаги жадвалга акс эттирилган.

Кредитни тўлаш графиги

Имтиёзли давр, ой – 6 ой

Фоиз ставкаси, йиллик – 12%

Кредит суммаси, АҚШ доллари – 503 580.

9-жадвал

Кредитни тўлаш графиги²⁴

Лойиҳа цикли	Йиллар	Тўлов даври	Қарз қолдиғи АҚШ доллари	Асосий қарз тўлови	Фоиз тўлови	Жами тўлов
Инвестицион давр	1		503 580		30 215	30 215
Ишлаб чиқариш	1	III кв.	503 580	50 358	15 107	65 465
		IV кв.	453 222	50 358	13 597	63 955
	2	I кв.	402 864	50 358	12 086	62 444
		II кв.	352 506	50 358	10 575	60 933
		III кв.	302 148	50 358	9 064	59 422
		IV кв.	251 790	50 358	7 554	57 912
	3	I кв.	201 432	50 358	6 043	56 401
		II кв.	151 074	50 358	4 532	54 890
		III кв.	110 716	50 358	3 021	53 379
		IV кв.	50 358	50 358	1 511	51 869
		Жами		503 580	113 306	616 886

²⁴ “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳаси ТИА маълумотлари.

Лойиҳанинг фойданинг ички меъёри кўрсаткичи ҳисоб-китобини кўриб чиқсак.

Соф дисконтланган даромад (12% дисконт шароитида) корхона фаолиятининг учинчи йилида 1 275,393 (NPV) ташкил этади. Бу кўрсаткич йиллик реал пулларнинг келиши ва кетиши ўртасидаги фарқни характерлайди.

Фойданинг ички меъёри (12% дисконт шароитида) учинчи йилда 108,6% ташкил этади. Бу кўрсаткич инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда реал пулларнинг келиш қийматини акс эттиради.

10-жадвал

Соф жорий қиймат (NPV) ва фойданинг ички меъёри (IRR) ҳисоб-китоби²⁵

Давр	Пул оқими	Дисконт ставка	NPV	IRR
0 йил	503 580,00	12%		
1 йил	354 773,86	12%	(186 817,62)	-29,5%
2 йил	937 758,42	12%	560 757,65	76,2%
3 йил	1 071 1065,27	12%	1 323 191,93	108,6%
4 йил	1 105 761,63	12%	2 025 923,44	119,8%
5 йил	1 106 730,53	12%	2 653 912,06	124,1%

Лойиҳани таҳлил қилишда хомашёни эркин алмашадиган валютада сотиб олиш варианты кўриб чиқилди.

Лекин, корхона томонидан маҳсулотларни чет элга сотиш мўлжалланганлиги сабабли, хом ашёни сотиб олишга керак бўлган чет эл валютаси жалб қилинади. Чет эл валютаси тушуми (чет эл валютасида хомашё сотиб олинishi, фоиз тўлови ва асосий қарз қайтарилиши) таҳлил қилинганда тўртинчи йилдан бошлаб корхона чет эл валютаси тушумини

²⁵ “Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестицион лойиҳаси ТИА маълумотлари.

таъминлаши мумкин бўлади. Уч йил ичида эса чет эл валютаси тушуми таъминланмайди.

Мазкур лойиҳани таҳлил қилиш натижаси бўйича хулоса қилар эканман, “Осиё тижорат савдо” корхонаси томонидан тақдим этилган ғоя самарали ва ҳаётий эканлигини айтишим мумкин.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолияти маълум бир тармоқларга хизмат қилишга йўналтирилганлигини инобптга олиб уларнинг кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялашга алоҳида эътибор бериш лозим. Тижорат банклари томонидан бир тармоққа йўналтирилган кредит миқдори кредит портфелининг 50-60 фоизидан ошмаслиги ва шу қоида уларнинг кредит сиёсатида ўз аксини топиши керак.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан берилган кредитларни тури ва динамикасига назар ташлайдиган бўлсак, кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитларнинг ҳиссаси пасайиш тенденциясига, узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи эса ўсиш тенденциясига эгадир. 2012-йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011-йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлардир. Бундай ҳолат инвестицион фаолиятни молиялаштириш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланади.

Республикамыз тижорат банклари томонидан асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш мақсадида берилган кредитларнинг жами молиялаштириш манбалардаги салмоғи деярли пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири республикамыз тижорат банклари ҳанузгача синдикатлашган кредитлар ҳисобидан

молиялаштириш амалиётини кенг, лизинг кредитидан фойдаланиш амалиётини оммавий тус олдирмаганидадир.

Республикамиз реал секторини молиялашда фаол иштироки билан катнашаётган ТИФ Миллий банк, ОАТБ Агробанк, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” каби йирик инвестицион банклар республикамиз реал секторини молиялашда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ушбу йирик банклар кредит портфелида инвестицион кредитлар салмоғи ошмоқда.

III бoб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш жараёнидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган банк тизими ва алоҳида олинган тижорат банкларининг самарали фаолият кўрсатишига катта эътибор берилга бошланди.

Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш жараёнида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд.

Кредитларнинг ҳажми ва сони ошган сайин кредитнинг қайтмаслик хатари ҳам оша бориши банк амалиётида маълум ҳодисадир.

Инвестицион кредит рискинн юзага келишига қуйидаги ҳоллар сабаб бўлади:

а) турли хил макро ва микро иқтисодий омиллар, иқтисодий қонунчилик ва меъёрлардаги ўзгаришлар;

б) қарз олувчи фаолиятида бўладиган иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, 23салбий ҳоллар туфайли олинган кредитни тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслик;

в) инвестицион кредитни таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

г) юқори билимга эга бўлган банк ходимлари ва мижозларнинг етишмаслиги;

д) қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва б.

Тижорат банкларининг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усуллари ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Ишлаб чиқишида пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш лозим.

Кредит рискин камайтиришнинг навбатдаги йўналиши Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг “ Ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳи ёки бир қарз олувчига тўғри келувчи максимал риск миқдори тўғрисида” ги йўриқномага амал қилишдан иборат. Бу йўриқнома бўйича :

- бир қарз олувчига ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи максимал риск миқдори биринчи даражали банк капиталининг 25 % идан ошмаслиги;
- ишончли (бланкали) кредитлар бўйича максимал риск миқдори биринчи даражали банк капиталининг 5%дан ошмаслиги;
- банк томонидан берилган инвестицион кредитларнинг умумий суммаси 1-даражали банк регулятив капиталининг 8 баробаридан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида кўпгина банклар соҳалар бўйича ихтисослашган банклар бўлиб, уларнинг кредит қўйималарининг асосий қисми ўзи ихтисослашган соҳаларга йўналтирилади. Шу жиҳатга кўра менинг фикримча, ихтисослашган банк бир соҳага кредит берганда, шу соҳа учун берилган кредитлар миқдори банк кредит портфелининг 35% идан ошмаслиги лозим. Бу ҳам ўз навбатида инвестицион кредит рискин олдини олишни бир омили бўлиши мумкин.

таъкидлаганларидек, “тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди”²⁶.

Президентимиз Каримов И.А. “Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида биринчи навбатда банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини ошириш, омонатларни кўпайтириш, уларнинг банк тизимига жалб этишига нималар тўсқинлик қилаётганини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим бўғини сифатида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Хўжалик субъектларининг, аҳолининг, ҳукуматнинг жорий ва инвестиция харажатларининг аксарият қисми банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Дарҳақиқат, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масала хусусида тўхталиб, “... банк хизматининг янги турларини жорий қилиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб қилишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш

²⁶ Каримов И.А. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -54 б

масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш”²⁷га эътибор қаратдилар. Шунингдек, барча хўжалик субъектларининг миллий ва халқаро ҳисоб-китоблари тижорат банклари орқали амалга оширилади.

Республикамиз тижорат банклари инвестицион кредитларининг даромадлилигини ошириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммолар мавжуд. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг барқарор даромадлилик даражасини таъминлашга муваффақ бўлинмаган. Шунингдек, муддати ўтган кредитларнинг брутто-кредитлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги банкларнинг кредитлаш жараёнидаги муаммоли жиҳатлардан ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг муттасил тизимий тангликдан чиқиш зарурияти асосий капиталнинг янгиланишини энг муҳим ва долзарб муаммолар қаторига қўшиб қўйди. Мазкур сармоянинг ҳажми ва таркиби меҳнат унумдорлигининг ўсиши, таннархнинг камайиши, маҳсулот сифатининг ошишида ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Асосий сармоянинг янгиланишида маблағлар инвестициялар кўринишида кириб келади. Инвестициялар суръатини оширишда даромад ва амортизация билан бир қаторда ссуда ажратиш молиявий фаолиятининг асосий кўриниши бўлган тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар муҳим рол ўйнайди.

Ҳар қандай тижорат банкнинг асосий вазифаларидан бири ўз маблағларини бошқариш, шу жумладан уларни кредитлаш ёки инвестициялаш шаклларида жалб қилиш ва жойлаштиришдан иборат. Кредиторларни тўғри танлаш лойиҳанинг амалга ошишини таъминловчи зарурий шартдир. Кўпинча кредитларнинг асосий манбаси бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк муассасаси кредитни тақдим этишнинг турли вариантларини ишлаб

²⁷ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.-80 б

чиқади, молиялаштиришни ташкиллаштиради, ўз зиммасига молия консултанти вазифасини юклайди, рискларни лойиҳа бўйича тақсимот тартибини ишлаб чиқади, миқдор ва шу билан бирга унинг бошқа кредиторлар билан алоқасига хизмат кўрсатади.

Шубҳасиз, молиялаштиришга тақдим этилаётган лойиҳани ва унинг муассисларини банк қуйидаги талабларга асосан синчковлик билан таҳлил қилади:

лойиҳанинг иқтисодий ва молиявий ҳаётга қобиллиги пухта ва профессионал тарзда таҳлилдан ўтиши лозим;

муассисларнинг молиявий аҳволи, малакаси ва ниятлари шубҳа туғдирмаслиги керак.

Банк инвестицион кредитлаш бозорида ўз ўрнини мўлжаллаб ва лойиҳага пул ажратишда қуйидагилардан келиб чиқади:

жалб этилаётган маблағларнинг манбаси ва характеридаги бўлган ўз ихтисослигидан; инвестиция манбалари сифатида қатнашаётган банк шериклари, масалан, суғурта кампаниялари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, хусусий пенсион фондлар, хусусий чет эл инвесторлардан.

Кам даромад келтирувчи инфратузилма соҳаларини (йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги) узоқ муддатли инвестиция қилиш масалалари ҳозирги кунда ва бундан кейин ҳам Молия вазирлиги ваколатлари доирасида ҳал қилинади. Экспортга мўлжалланган хом ашё соҳаларни (нефть, газ, энелетика, рангли металллар) ўрта ва узоқ муддатли инвестициялаш давлат ресурслари ҳисобига тижорат банклари томонидан ва чет эл инвесторлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Юқорида кўриб ўтилгандек мамлакатимиз банклари томонидан ҳам инвестицион лойиҳаларни молиялаштришни ташкил этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда инвестицион кредитлашдан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари

Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида ҳали кўпгина ечимини кутиб турган муаммолар мавжуд. Бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳам мазкур муаммони ижобий ҳал этишда ёрдам берадиган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳажда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредит механизмларини янада такомиллаштириш;

лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаш ва рентабеллигини чуқур таҳлил таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банklar бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш²⁸.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2009 йил 28 июл ПҚ-1166-сон.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қарз маблағлари (кредитлар) муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхона ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар асосан жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестицион фаолиятни чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифнинг нафақат барқарорлаштириш балки қанча миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини тўла таъминлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор бериш лозим, яъни депозит ва кредит учун тўланадиган фоизларни мувофиқлаштириш, мажбурий заҳиралар меъёрини белгилашни тижорат банклари зиммасига юклаш, банкларда хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва такомиллаштириш. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кредитнинг ролини оширишни таъминлаш масаласини ҳал этишда қуйидагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир:

- инвестиция лойиҳаларини кредитловчи субъектлар фаоллигини оширишда маълум имтиёзлар бериш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни мавжудлигини таъминлаш;
- инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичларини имкон қадар юксалтириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётда кредит турларини кўпайтириш ва такомиллаштириш билан бир қаторда, кредит таъминотини нодавлат корхоналари ва банклар зиммасига ўтказиш;

- инвестиция лойиҳаларини чет эл кредитлари билан таъминлашда мамлакат билан, тадбиркор билан, чет эл инвесторлари билан боғлиқ омилларнинг ҳар бирини манфаатини ҳисобга олиш;

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кредитнинг фаоллигини ошириш учун банкларда кредит турлари (лизинг, синдицит ва бошқар)ни кўпайтириш; банкларнинг тўловга қобилиятлилиги ва ишончилигини ошириш; банк депозитлари учун мажбурий захиралар меъёрини пасайтириш; ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириладиган дастурлар натижасида банк томонидан кўрилган зарарларни бюджет ҳисобидан қоплаш; омонатлар ва инвестиция кредитларидаги фоиз ставкалари ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилинганда, кредитлар тадбиркорни реал оладиган даромадини кўпайтиришга ундайди, пировордида, жамият аъзоларидан боқимандалик қайфиятини йўқотади, корхонада техника тараққиёти билан боғлиқ янги йуналишни очиб беради ва бу соҳада янгиликлар, кашфиётлар қилишга ундайди.

Иқтисодий ўсиш учун инвестиция лойиҳаларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш зарурлигини ҳеч ким инкор этмайди. Давлатнинг инвестор бўлиши табиий, чунки бусиз иқтисодий хавфсизликни таъминлаб бўлмайди. Давлат бу вазифани инвестициялаш учун зарур молиявий маблағларни бюджет воситасида қайта тақсимлаш орқали бажаради. Шу сабабли ўтиш даврида давлатнинг инвестиция ресурсларидаги ҳиссасини катта бўлиши турган гап.

Банк кредити амалиёти тахлили шуни курсатадики, лойиҳаларни молиялаштиришда банкларни фаолияти канчалик серкирралик бўлмасин ҳамда узок муддатли кредитларни ҳиссаси канчалик ўсиш тенденциясига эга бўлмасин, мамлакатимиз реал сектори инвестиция фаолиятини молиялаштиришда банк кредитини ҳиссаси ханузгача жуда оз микдорда.

Инвестициялаш борасидаги фаолликни ошириш ва давлатнинг иқтисодий ўсишида муҳим ўринни банклар эгаллайди. Банклар инвестиция ресурсларини ишлаб чиқувчи аккумулятор сифатида намоён бўлиши лозим, аммо инвестициялар ҳажми ҳали ҳам етарли даражада эмас.

Биринчидан, инвестицияга маблағларни жойлаштириш rischi юқорилиги билан боғлиқ. Бу ҳол, айниқса, маблағни кўп талаб қилувчи инвестиция лойиҳаларига хосдир. Бу вазиятда саноатга инвестиция қилиш учун ресурсларни жалб қилиш учун ресурсларни жалб қилиш ўта мушкул вазифага айланиб қолди.

Иккинчидан, молия бозорларида серदारомадлилиқнинг пасайиб кетиши банкларнинг инвестициялаш имкониятларини чеклаб қўяди. Айрим банклар, жорий ликвидликнинг аҳволини кузатиб, инвестиция лойиҳаларида иштирок этишни хоҳламайди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодиётнинг нисбатан қулайроқ шароитларида ҳам кўпчилик банкларнинг жами молиявий маблағлари саноат, транспорт, алоқа ва бошқа тармоқларни капитал қўйилмалар билан таъминлаш етарли даражада эмас.

Учинчидан, давлат инвестиция соҳасида ўзини қандай тутиши у ёки бу мамлакатнинг инвестицион муҳитига ўз таъсирини кўрсатади. Давлатнинг бу соҳадан чиқиб кетиши ҳам ушбу иқлимга бирмунча салбий таъсир этади.

Инвестицион муҳитни янада яхшилаш шарт-шароитларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, яъни молия бозорида рақабатни яратиш, хорижий инвесторлар учун ахборот таъминотини яхшилашдан иборат. Маблағлар етишмаслиги ва банк riskини камайтириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида синдикатлашган кредит таклиф қилиниши мақсадга мувофиқдир. Синдикатлашган кредитлаш ёрдамида банклар йирикроқ лойиҳаларни кредитлаш ва riskни синдикат иштирокчилари ўртасида тақсимлаш имконига эга бўладилар.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш учун ташқи ва ички ресурсларни ҳаракатлантириб, инвестицион кредитлаш соҳасида амалий ишларни бажариш лозим. Бу борада банкларнинг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- банклараро бозорда аҳволни стабиллаштириш, тижорат банкларининг ички мустаҳкамлигини ошириш;

- аҳоли ва корхоналар депозит жамлаш нормаларининг ўсиши бир вақтнинг ўзида тижорат банкларини пасивлар таркибини ўзгартирувчи омил бўлиб ҳисобланади ҳамда корхоналар томонидан ўз маблағлари ҳисобига инвестиция лойиҳаларида кенгайтирилган тарзда иштирок этиши асосий шарт деб ҳисобланади;

- инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлашда банклараро ҳамкорликнинг ривожланиши;

- алоҳида банкларнинг таваккалини пасайтириш ва ресурсларни йириклаштириш мақсадида синдикат кредитларидан фойдаланишни фаоллаштириш;

- давлат томонидан кредит ресурсларининг жамланиши ва уларни кредит шаклида давлат молия институтлари орқали тақсимлаш;

- лойиҳани амалга оширишга молиявий жавобгар бўлган институтлар яъни банкларнинг инвестиция лойиҳаларини экспертизасида бўлган ролини ошириш;

- тижорат банклари инвестиция фаолиятдан олган даромадларни ушбу фаолиятни махсус фондлар яратиш орқали рағбатлантиришда ишлатиш;

- иқтисодиётнинг реал секторини инвестициялашни суғурталаш тизимини яратиш.

Юқорида таъкидланган таклифларни иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштиради ва иқтисодиётни ривожланишида етакчи ўринни егаллайди.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион кредитлардан фойдаланиш жараёнида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд.

Инвестицион лойиҳаларнинг аксарият қисми инвестицион кредитлар ҳисобидан молиялаштирилади. Кредит рискининг чуқурлашиши натижасида инвестицион кредитнинг ўз вақтида қайтмаслик rischi вужудга келади.

Тижорат банкларининг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усуллари ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Ишлаб чиқишида пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кредитнинг фаоллигини ошириш учун банкларда кредит турлари (лизинг, синдицит ва бошқлар)ни кўпайтириш; банкларнинг тўловга қобилиятлилиги ва ишончилигини ошириш; банк депозитлари учун мажбурий захиралар меъёрини пасайтириш; ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириладиган дастурлар натижасида банк томонидан кўрилган зарарларни бюджет ҳисобидан қоплаш; омонатлар ва инвестиция кредитларидаги фоиз ставкалари ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Маблағлар етишмаслиги ва банк рискин камайтириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида синдикатлашган кредит таклиф қилиниши мақсадга

мувофиқдир. Синдикатлашган кредитлаш ёрдамида банклар йирикрок
лойиҳаларни кредитлаш ва рискни синдикат иштирокчилари ўртасида
тақсимлаш имконига эга бўладилар.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот доирасида амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари инвестицион кредитлари ҳисобидан молиялаштириш муаммоларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда иқтисодиётининг энг ривожланган молиявий институтлари ҳисобланувчи тижорат банклари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида катта имкониятларга эга бўлгани ҳолда, бир қанча муаммоларга дуч келмоқдалар ва натижада ҳатто фойдали лойиҳаларни ҳам молиялаштиришдан бош тортмоқдалар. Бу ҳолат инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг ривожланиш жараёнига тўсқинлик қилмоқда.

Баъзан тижорат банклари ўз активлари ликвидлик даражасининг пастлиги муаммосига дуч келади, бу ҳол молиялаштирувчи банклар нуқтаи назаридан жуда фойдали бўлган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни қийинлаштиради. Бу муаммони ечиш айниқса давлат тижорат тузилмалари, айниқса банкларни узоқ муддатли, кўпинча ижтимоий муҳим тадбирларга кўпроқ маблағлар киритишга рағбатлантиришга ҳаракат қилаётган даврда долзарб аҳамият касб этади. Бундай шароитда банклар бирйўла икки мақсадни кўзлаши: бир томондан, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий раванқ топишни таъминловчи, узоқ муддатли қўйилмаларни талаб қилувчи жараёнларга қўшилиши, бошқа томондан, ўз мижозлари ва акциядорларининг қисқа ва ўрта муддатли эҳтиёжларини қондириш учун етарли даражада ликвидликни сақлаб қолишга ҳаракат қилишига тўғри келади уларни ечиш бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланади.

Рискларни бошқариш инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнидаги муҳим муаммолардан биридир. Лойиҳа рискларини уларнинг хусусиятига ва лойиҳа циклида уларнинг юзага келиш вақтига қараб таснифлаш мумкин. Хусусиятига кўра, умумий тижорат рисклари, сиёсий

ёки мамлакат рисклари, суверен рисклар ва ривожланаётган мамлакатлардаги инвестициялар билан боғлиқ рисклар фарқланади. Айрим рисклар у ёки бу босқичга хос бўлса, айрим рисклар барча босқичларга хос бўлиши мумкин. Бироқ, кўпгина тадқиқотчилар таснифларда кўпинча банк ўз мижозлари билан киришадиган шартнома муносабатлари билан бевосита белгиланувчи шерикчилик rischi эътибордан четда қолишини қайд этадилар. Бу рискни ҳисобга олиш, бизнинг назаримизда, контрагент банк олдида ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда зарар кўришнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга доир ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1) банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

2) ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

3) ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идаралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

4) инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

5) хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар)

билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича “Вилоят инвестиция салоҳияти” веб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар ўтказиш;

6) хорижий капитал иштирокидаги банкларни шакллантириш. Бунда хорижий капитал билан бирга хориж тажрибаси мамлакатга кириб келади ва инвестицион лойиҳаларни кредитлашда ҳам хорижий банклар тажрибаси, малакасини қўллаш имконини беради;

7) тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни жадаллаштириш;

8) банкларда мавжуд ссуда активлари асосида қимматли-қоғозлар чиқариш (секюритизациялаш) ва ушбу облигациялар эвазига капитал ресурсларни кўпайтириш;

9) мамлакатимизда банклар бошчилигида инвестицион фондларни ташкил этиш ва мазкур фондлар орқали инвестиция мақсадлари учун маблағлар йўналтиришни ташкиллаштириш. Банкларнинг мазкур жараёнларда бошчилик қилиш сабабини эса ҳозирда банкларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида ва маблағларни бошқариш бўйича тўпланган улкан тажриба асосида яхши натижаларга эришишлари мумкин;

10) тижорат банкларимиз четдан арзон ресурслар жалб этиш мақсадида йирик молия ташкилотлари томонидан йўналтириладиган маблағларни ўзлаштиришда ўзларининг инвестицион фаолликларини кўрсата олишлари лозим;

11) хорижий давлатлар тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасидаги тажрибалардан республикаимиз банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак;

12) республикаимиз тижорат банкларида инвестицион кредитларни расмийлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш йўлида

қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг масъулиятини ошириш лозим;

13) мамлакатимиз тижорат банкларининг мижозларни кредит тўловига лаёқатлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Юқорида баён этилганларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда инвестицион кредитлаш ва лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш шунинг учун ҳам мақсадга мувофиқки, ҳар хил тижорат лойиҳалари, ғояларини узоқ муддатли кредитлашга муҳтож корхоналар сони тобора кўпайиб бораёпти. Бунда кредит ресурслари айланма воситалар харид қилишга эмас, балки стратегик ривожланиш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилиши назарда тутилади. Маълумки, бу ҳолда жойлаштирилган ресурслар анча узоқ вақтдан кейин ва аксарият ҳолларда тижорат лойиҳаларини амалга ошириш натижасида шаклланувчи даромадлар ҳисобидан қайтиб келади.

Шундай қилиб, ўтилган амалий тавсиялар амалга ошириш айти пайтда банклар томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаш орқали пировард натижада Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади. Сабаби айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: “Адолат”,1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 14 апрел.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” Қонуни, 25 апрель 1996 йил, “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2003й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 10 апрелдаги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлар шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2008 йил 20 февралдаги Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2001 йил 9 февралдаги Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2001 йил 19 январдаги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2005 йил 12 апрелдаги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йуналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги “Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иктисодиётни модернизация қилиш ва инвестицион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тугриси” даги Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-56-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 сонли “Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, мониторинг механизмларини такомиллаштириш, мрувват ёрдами юқларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 59 сон “Хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни ҳисобга олишни тартибга солиш ва улар мониторингини олиб бориш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 58 сонли “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 349- сонли “Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251- сонли Қарорига 1 илова «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251- сонли Қарорига 2-илова «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида»ги Низом.

23. “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом (янги таҳрир), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005йил 20 августдаги 1509-сон билан рўйхатга олинган.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 1999 йил 20 февралда 294 сонли «Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш» тартиби тўғрисидаги Низом.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

25. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003 й.

26. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. – Т.: Ўзбекистон, 2005 й.

27. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модениризация ва ислоҳ этиш. - Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.

28. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 54 б.

29. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 80 б.

30. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январ сони.

31. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. 36 б.

32. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013 йил. 64б.

IV. Асосий адабиётлар:

33. Абдуллаев Ё. ва бошқ. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – Б. 533.

34. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.- Б. 321.
35. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. -Б.286
36. Банковские операции I, II, III часть, под. ред . Лаврушина О.И. - М.: Инфра-М, 2005. 301 с.
37. Банковское дело и финансирование инвестиций. Том I: Теория и концепция, часть I «Под редакцией Н. Брука» Всемирный банк реконструкции и развития. 1995 г. – 459с.
38. Вархин П.И. Инвестиции. Учебник – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К”, 2002.
39. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. И.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. - 328 бет.
40. Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. Халқаро молия муносабатлар. Дарслик. - Т.: Шарқ 2003.
41. Игошин Н. В. Инвестиции. Организация управления и финансирование. - М.: 2000.
42. Игонина Л.Л. Инвестиция. – М.: Экономист, 2005. – 478 с.
43. Красавина Л. Международные валюты и кредитные отношения. - М. – Инфра-М, 2004.
44. Лаврушин И.О. Деньги, кредит банк (Под ред-2-е изд, перераб и доп. - М.: Финансы и статистика, 2003.
45. Радионов С.П., Радионов Н.В, Оценки инвестиция ресурс-М.: Алфа, 2001.
46. Ромаш М.В, Шевчук В.И. Финансирования и кредитования инвестиции.: Учебное пособие. - Минск: Книжный дом, 2004.
47. Сергеев И.В., Веретенникова Н.И. Организация и финансирования инвестиции - М.: Финансы и статистика, 2003.
48. Узоқов А., Носиров Э., Саидов Р., Султонов М. Инвестиция

лойихаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006.

49. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: Инфра, 2000.

50. Шохаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА II. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-850 с.

51. Шохаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.- 294 с.

52. Шохаъзамий Ш.Ш. Основы финансового инжиниринга.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.-264 с.

53. Шохаъзамий Ш.Ш. Основы секьюритизации.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.-376 с.

54. Қудратов Ғ., Хасанова Р., Исакулова И. Аграр секторда кичик бизнес ривожлантириш. Ўқув қўлланма.-Т.: ТМИ, 2005.

55. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003.

V. Қўшимча адабиётлар:

56. Bernstein and Masky Cases. Cases in Financial statement reporting and Analysis. Second edition Boatsman, Griffin, Vickrey and Williams 1999.

57. Cost accounting (a managerial em phases) /USA. Mexico. Or canada, 2001.

58. Kennet M.Morris and Allan M Siegel. Guide founderstanding money and investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.

59. Project Financing. Peter K. Nevitt, Frank Fabozzi. 6-th edition. Euromoney Publications, 1995.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

60. Каримов Н.Г. Банковское кредитование инвестиционных проектов

// Журнал «Рынок, деньги и кредит», 2002. - №9-10.

61. Каримов Н. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш // «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2000. - № 5.

62. Любомудров Д.В. О формировании в России Банка Проектного Финансирования // Вестник ХГАЭП. 2004. № 1.

63. Холмирзаева Д.С. Financial conditions of small agricultural businesses // Иқтисодиёт ва таълим. 2002. - №2.

64. Шоҳаъзамий Ш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, давомийлиги ва сабоқлар. // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2008 йил - №4.

VII. Интернет сайтлари:

<http://www.lex.uz> (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими)

<http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

<http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

<http://www.gki.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат ракобат қўмитаси)

<http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

<http://www.agrobank.uz> (“Агробанк” АТБ)